



Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 28 март, шанба, №32-33 (3678-3679).



>>> Президент

ПРЕЗИДЕНТ РОССИЯ БОШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси Бош вазири Михаил Мишустинни қабул қилди.



Учрашув чоғида Қозоғистон ва Россия ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ҳамда иттифоқчилик муносабатлари мустаҳкамланаётгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, ўзаро манфаатли мулоқотни изчил давом эттириш ва олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш жараёни жадал кечаётганига эътибор қаратилди.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, Михаил Мишустиннинг Шимкент шаҳрида ўтган Евроосиё ҳукуматлараро кенгаши йиғилиши ҳамда Рақамли анжуманда иштирок этиши Қозоғистон ва Россия ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилганини яна бир бор тасдиқлайди.

– Икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ҳозирги кунга қадар умумий қиймати 25 миллиард доллар бўлган 122та йирик лойиҳа амалга оширилди. Ўзаро савдо ҳажми эса 30 миллиард долларга яқинлашди.

Бу, албатта, яхши кўрсаткич. Россия бизнинг асосий савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкоримиз ҳисобланади. Биз бундай ҳамкорликдан мамнунмиз, – деди Қ. Тўқаев.

Мулоқот давомида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Қозоғистонга бўлажак давлат ташрифига тайёргарлик

масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, Астана мазкур ташрифни икки мамлакат ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим воқеа сифатида баҳоламоқда.

Akorda.kz.



СПОРТДА СИНАЛГАН, ЭЛДА АЗИМ

ЕРБЎЛ ХАМИТОВ III ДАРАЖАЛИ “БАРЫС” ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев XIV Қишки Паралимпия ўйинларида (Италия) эришган юксак спорт ютуқлари учун Ербўл Хамитовни III даражали “Барыс” ордени билан тақдирлади.

Шунингдек, Туризм ва спорт вазирлигига қарашли имконияти чекланган шахслар учун спорт тайёргарлик маркази мураббийлари Василий Коломиец ва Антон Жданович “Парасат” ордени билан, Шимолий Қозоғистон вилоятидаги “Ўмит” спорт клуби мураббийи Аслан Тўқбаев “Қўрмет” ордени билан тақдирланди.

Тақдирлаш маросимида Президент таъкидлаганидек, Италияда ўтган мазкур мусобақа Қозоғистон учун муваффақиятли кечди. Ербўл Хамитов ушбу ўйинларда олтин ва бронза медалларини қўлга ки-

ритиб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Ўз навбатида у Президентга билдирилган юксак ишонч учун миннатдорчилик билдирди.

– Бу Паралимпия ўйинлари мен учун улкан масъулият бўлди. Сизнинг қўллаб-қувватлашингиз туфайли ғалабага эришдик. Бу ютуқда мураббийлар ва мутахассисларнинг ҳиссаси беқиёс. Биз бу билан чекланиб қолмаймиз, – деди чемпион.

Akorda.kz.

Қудратлимиз Турон руҳидан...

ДАВЛАТ РАҲБАРНИНГ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИГА ТАШРИФИ ДОИРАСИДА ИЖТимоий-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Туркистон вилоятига амалий ташрифи юртимиз ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири сифатида эътироф этилди. Наврўз байрами кунларига тўғри келган мазкур ташриф давомида Давлат раҳбари минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, бой маънавий мероси ҳамда жамоатчилик билан мулоқот масалаларига алоҳида эътибор қаратди.



Ташриф доирасида Президент Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилди. Ушбу муқаддас қадамжо туркий оламдаги энг йирик маънавий ва тарихий обидалардан бири ҳисобланади.

Давлат раҳбари буюк мутафаккир Хожа Аҳмад Яссавий

хотирасини ёд этди ҳамда мақбарада дафн этилган бошқа тарихий шахсларга хурмат бажо келтирди. Шунингдек, “Ҳазрат Султон” давлат музей-қўриқонасида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари билан танишди.

Туркистон шаҳрида Давлат

раҳбари жамоатчилик вакиллари билан учрашув ўтказди. Унда мамлакатимиз ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ютуқлари таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар ва тараққиётнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Шунингдек, юртимиз тарақ-

қиётига муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ фуқаролар давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Наврўз байрами муносабати билан “Карвон Сарой” мажмуасида катта байрам концерти ташкил этилди.

Akorda.kz.



ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙ ОРДЕНИ ТАЪСИС ЭТИЛАДИ

Kazinform. Давлат раҳбари яқин кунларда Хожа Аҳмад Яссавий орденини давлат мукофотлари рўйхатига киритиш тўғрисидаги Фармонни имзолашни маълум қилди.

Хожа Аҳмад Яссавий – тасаввуф илмининг буюк номандаси, “Яссавий” тариқатининг асосчиси, туркий шеърятнинг йирик вакилларида биридир.

“Қозоғистон Республикаси Конституциясида қайд этилганидек, Қозоғистон Республикаси фуқаролари тарихий ва маданий меросни асраши, тарихий ва маданий ёдгорликларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши шарт.

– Мамлакатимизда истиқомат қилувчи бирлиги мустаҳкам халқимиз, янги Конституцияни йўлланма сифатида қабул қилиб, ҳамжиҳатликда давлатчилигимизни янада мустаҳкамлаши керак, – деди Президент.

Давлат раҳбари Хожа Аҳмад Яссавийни кенг миқёсда улуғлашимиз, бироқ, аввало, уни Қозоғистон халқига танитишимиз зарурлигини таъкидлади.

– Ушбу имкониятдан фойдаланиб, яна бир муҳим масалани кўтармоқчиман. Мен Миллий курултой сессияларидан бирида машҳур Хожа Аҳмад Яссавийнинг бебаҳо меросига тўхтадим. Бу таълимот – умуминсоний билим бўлиб, биз уни аввало, қозоқ халқи учун фахр ханбаи сифатида қабул қилишимиз керак.

Биз бу тарихий шахс ҳақида юқори сифатли асарлар яратиб, фильмлар суратга олишимиз зарур. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида Хожа Аҳмад Яссавийнинг ноёб заковат меросига бағишланган ўқишларни ташкил қилиш керак. Яқинда Хожа Аҳмад Яссавий орденини таъсис этиб, давлат мукофотлари қаторига киритиш тўғрисидаги Фармонни имзолайман. Ушбу юксак мукофот таниқли маҳаллий ва хорижий олимлар, давлат ва жамоат арбобларига берилади. Ушбу орден юксак макомга эга бўлиши керак, – деди Президент.

Узоқ вақт мобайнида Яссавий ҳаёти ва ижодиётини илмий жиҳатдан тадқиқ этишга имкон берилмади. Асарларини нашр қилишга йўл қўйилмади. Утган асрнинг 70-йилларида Яссавийнинг миллий маданият, тил ва адабиёт тарихидаги хизматларини тўғри баҳолаш йўлидаги уринишлар эса қораланди. Мустақиллик арафасида, хусусан, Қозоғистон истиқлолга эришгандан кейин яссавийшунослиқда янги давр бошланди.



ТЕРАН ИЛДИЗЛАРДАН КУЧ ОЛГАН БИРЛИК

ҚАСИМ-ЖҰМАРТ ТҰҚАЕВНИНГ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ
ФАОЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз ватандошлар!

Бугун яна қадимий ва навқирон шаҳар – туркий халқларнинг муқаддас маскани – Туркистонда учрашмоқдамиз.

Хожа Аҳмад Яссавий мероси эса бу қадимий шаҳарнинг маънавий хазинаси. Унинг мақбараси туркий олам бирлигининг рамзи ҳисобланади. Бу ерга буюк шахслар дафн этилган.

Туркистон – Қозоқ хонлигининг сиёсий марказларидан бири эканини асло унутмаслигимиз керак. Бу ҳудудда халқимиз тақдирини ҳал қилувчи қарорлар қабул қилинган. Ўрдабошида уч аср муқаддам мамлакатимиз келажагини белгилаб берган дастлабки Қурултой ўтган.

Боболаримиз бирлик ва ҳамжиҳатлик туфайли қашқатғич жанглarda тарихий ғалабага эришган.



Биз ҳам ушбу тарихий анъанани давом эттириб, мамлакатимиз истиқболига бағишланган учрашувлар, муҳокамалар ўтказиб келмоқдамиз. Миллий Қурултойнинг иккинчи йиғилиши Туркистонда ўтди. Шунда мен илк бор «Адолатпарвар фуқаро» концепциясини эълон қилдим.

Май ойи ўрталарида бу ерда Туркий давлатлар ташкилоти доирасида давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви режалаштирилмоқда. Ҳозирги мураккаб геосиёсий вазият шароитида бу халқаро тадбир муҳим аҳамиятга эга.

Қадимий шаҳарнинг тарихий қиёфаси ва маданий меросини асраш ҳамда ушбу минтақани барқарор ривожлантириш – мамлакатимиз учун улкан аҳамиятга эга вазифалардан бири. Мен, Давлат раҳбари сифатида, бу масалага алоҳида эътибор қаратаман.

Бир йил аввал Туркистон шаҳрининг алоҳида мақоми ҳақида махсус қонун қабул қилинди. Ҳозирда вилоятнинг тараққиёт суръати юқори, кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳоким Нуралхан Кўшероф фаол ишламоқда, жойлардаги аҳвол билан таниш, унинг вилояти самарали бўлишига умид қиламан.

Электр станцияси қурилишини жадаллаштириш зарур, чунки бу иш кечиктирилмоқда. Мен Хукуматга бу масалани қатъий назоратга олишни топшираман. Вилоятда турли саноат корхоналари ишга туширилмоқда, бу эса минглаб янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Буларнинг барчаси ҳақиқий амалий ишлар самарасидир.

Қозоғистон асосий ислохотлар даврига кирди. Биз ягона миллат сифатида конституциявий ислохотни муваффақиятли амалга оширмоқдамиз ва бу тарихий аҳамиятга молик масала.

Куни кеча қабул қилинган янги Конституция – бу асосий ҳужжат, давлат келажагини белгиловчи йўриқнома.

Ёрқин ҳолат шундаки, фуқаролар референдумда фаол иштирок этдилар. Бу овоз бериш халқимиз бирлиги ва ҳамжиҳатлигини намоён этди. Бу тадбирда ҳам Туркистон вилояти энг фаол ҳудудлар қаторига кирди. 92,21 фоиз овоз берган туркистонликлар янги Конституцияни қўллаб-қувватлади, бунинг учун мен барчангизга миннатдорчилик билдираман.

Янги Конституция расман 1 июлдан кучга киради.

ишчи касбларини кенг тарғиб қилиш ва уларни кадрлашга бағишланди. Бу мавсумий тадбир эмас, балки давлат ғоясига айланиши лозим, шу боис ушбу фаолиятни доимий равишда олиб боришимиз керак.

Меҳнатсеварлик тафаккуримизга синдирилиши керак, чунки бусиз тараққиёт ва илгарилаш бўлиши мумкин эмас.

Янги Конституцияимизнинг Муқаддимасида айтилишича, "...келгуси авлодлар олдида юксак масъулиятни англаб, Халқ Конституциясини қабул қилдик".

Халқимизнинг тарихий тақдири – ўз қўлимизда.

Бизнинг бошқа Ватанимиз йўқ, фақат Қозоғистон. Аниқ айтиш зарурки, Қозоғистонни ривожлантириш ва юксалтириш биздан бошқага керак эмас. Шу боис ҳозирги авлод ўз Ватанининг ёрқин келажаги йўлида барча имкониятларини ишга солиши лозим. Халқимиз келажаққа ишонч билан қарashi, ҳаётини ўзгартириши ва ўзини замон талабларига мувофиқлаштириши керак.

Ўтмиш қайғу ва ғамларига боғланган халқ ҳеч қачон бахтли ва муваффақиятли бўлолмайди. Бу – ҳаёт қонуни, бу – ҳақиқат.

Ёшларни илғор технологиялар ва техника билан таништириш зарур, чунки айнан техника ва замонавий технологиялар, шу жумладан, сунъий индирок, замонавий давлатни ривожлантириш қалити ҳисобланади.

Биз, ягона миллат сифатида бирлашиб, шубҳасиз, бу буюк тарихий йўлда ғалабани қўлга киритамиз. Бу – бизнинг энг асосий вазифамиз ва бурчимиздир.

Бош Қомуснинг энг асосий мақсади – мустақилликни, эгаменликни, мамлакатнинг бирлигини мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдир.

Шу билан бирга, Конституцияга мувофиқ, инсон капитали, таълим, илм ва инновациялар ривожини, қонун ва тартиб тамойилларини таъминлаш, меҳнатсеварликни рағбатлантириш ва табиатга нисбатан эҳтиёткорона стратегик йўналишлар сифатида белгиланган.

Илк бор мамлакат тарихида Давлат байроғи, Мадҳия ва Герб билан бирга миллий валюта ҳам давлат рамзи сифатида Конституцияда акс эттирилди ва тасдиқланди. Шу билан бирга, кўнгилдилар фаолияти ҳам Конституцияда ўз аксини топди.

Қонун ва Интизом тамойилига қатъий риоя қи-

шундай сиёсатни самарали амалга оширишимиз керак. Инсон капитали сифатини юксак даражада ошириш лозим. Бу – рақобат даврининг бош талабидир.

Хурматли дўстлар!

Сўнги йилларда дунёдаги геосиёсий вазият ўта мураккаб ва беқарорлигича қолмоқда.

Қўллаб-қувватлашда қуролли тўқнашувлар ва ҳатто урушлар кескинлашди, бу эса дунёвий иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатмоқда. Яқин Шарқдаги аҳволни кўриб турибмиз.

Бу қарама-қаршиликда ҳеч бир давлат ютиб чиқмайди. Қозоғистон тўқнашувлар содир бўлаётган ҳудудга яқин жойлашган. Шунинг учун мен бу муқаддам заминда барча давлатларга мурожаат қилмоқчиман.

Авалло, фуқаролик ва иқтисодий иншоотларга қилинган қуролли ҳужумларни тўхтатишни талаб қиламан. Кейин эса музокаралар ўтказиш зарур. Қозоғистон бу мураккаб вазиятда тинчлик музокаралари учун ўз майдончасини тақдим қилишга тайёр. Менимча, бу мулоқот Туркистонда ташкил этилиши мумкин.

Албатта, бу масалада қарор фақат бевосита тўқнашувда иштирок этаётган давлатларга алоқадор.

Ҳали ҳам кеч эмас, ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб, музокараларни бошлаш керак. Акс ҳолда, кўп халқларнинг тинч ҳаёти бузилиши, дунё барқарорлигига таҳдид юзага келиши, иқтисодий таназул бошланиши мумкин.

Хурматли дўстлар!

Халқимизнинг тотувлиги ва меҳнати туфайли улкан ютуқларга эришдик. Қозоғистонни фаровон ва ривожланган давлатга айлантириш учун биз ҳақиқатан ҳам кенг қўламли тизимли ислохотларни амалга ошираман. Бу ишлар сезиларли натижалар бермоқда. Ҳукумат маълумотларига кўра, ўтган йили 190та янги корхона ишга туширилди, унда 22 мингдан зиёд киши иш билан таъминланди.

2025 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида 250та янги корхона ишга туширилди. Давлат бюджети ҳисобидан соҳага 1 триллион тенгедан зиёд маблағ ажратилди. Бугун мустақиллик даврида бундай кенг қамровли ёрдам деҳқонларга берилмаган.

Шу билан бирга, биз қишлоқ хўжалиги самардорлигини оширишимиз керак.



Ўтган йил иқтисодиёт 14 фоиз атрофида ўсди. Барча соҳаларда ижобий жўшқинлик қайд этилди. Солиқ тушуми илк бор 1 триллион тенгени ташкил қилди. Минтақага 1,7 триллион тенге сармоя жалб этилди. Ҳукумат маълумотларига кўра, қўллаб-қувватлаш аҳоли манзиллари тоза ичимли сув билан таъминланган, бироқ айрим ҳудудларда ҳамон муаммолар мавжуд.

Шу масалаларни тегишли вазирлик ҳокимлик билан ҳамкорликда қисқа муддатда ҳал қилиши керак. Газ таъминоти билан эса минтақа аҳолисининг 90 фоизи қамралган.

Бундан ташқари, вилоятда 83та ижтимоий иншоот фойдаланишга топширилди.

Яна бир муҳим масала бор. Минтақада газ-

Эндиликда 15 март, референдум ўтказилган кун – Конституция куни давлат байрами сифатида кенг нишонланади. Овоз бериш жараёни ёшларимизнинг фаоллиги, янгиликка интилиши ва масъулиятлигини яққол намоён этди.

Бугунги кунда Туркистон вилоятида қарий 700 минг нафар ёш фуқаро истиқомат қилади – бу вилоят аҳолисининг учдан бири қисми. Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу муқаддам улканнинг тарихи қанчалик чуқур бўлса, унинг келажаги ҳам шунчалик ёрқин ва умидбахшидир.

Фақат ўз мамлакатини севувчи авлодгина Қозоғистоннинг фаровонлигига муносиб ҳисса қўлиши мумкин. Давлатнинг келажаги – ватанпарвар ва масъулиятли ёшлар қўлида. Ўтган йил

лимайдиган жойда, ҳеч қандай ислохот амалга ошмайди ва тараққиёт бўлмайди.

Шунингдек, яна бир муҳим жиҳатни айтиб ўтмоқчиман. Мутахассислар фикрига кўра, сунъий индирок асрида аҳоли сони эмас, билим ва қобилият ҳал қилувчи омил бўлади.

Шу боис, барчамиз, аввало Ҳукумат, таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим. Барча ривожланган давлатлар юқори малакали, иқтидорли олимлар, ёшлар учун қулай шароит яратади.

Чунки илғор давлатларнинг энг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари – бу билимли, заковатли, меҳнатсевар ва фидойий фуқаролардир.

Агар биз ҳам юксалишга эришмоқчи бўлсак,

Хурматли дўстлар!

Икки йил муқаддам биз умуммиллий «Тоza Қозоғистон» тадбирини бошладик. Бу кенг қўламли лойиҳа халқимиз томонидан, айниқса, ёшлар орасида кенг қўллаб-қувватланди.

Ушбу маънавий вазифа доимий ишларимизда, халқимизнинг руҳи ва маданиятида муқим ўрин эгаллаши керак.

**Юртимизда тинчлик ва фаровонлик
хукмрон бўлсин!**

**Қозоғистонимиз абадий бўлсин!
Байроғимиз сарбаланд бўлсин!**

**Akorda.kz маълумотлари асосида
жузъий қисқартиришлар билан берилди.**

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Туркистон вилоятида Давлат раҳбари топшириқлари асосида йирик энергетик лойиҳа изчил амалга оширилмоқда. Бош вазир Ўлжас Бектенов минтақага таширф буюриб, қуввати 1000 МВт бўлган замонавий буғ-газ электр станцияси қурилиши билан яқиндан танишди.

Сайрам туманида Бош вазир ҳамда вилоят ҳокими Нуралхан Кўшероф ҳамроҳлигида мамлакатимиздаги энг йирик газ электр станцияларидан бири барпо этилаётган майдонга бориб, иш жараёнини кўздан кечирди.

– Туркистон вилояти жадал тараққий этмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалигида улкан имкониятлар мавжуд. Мазкур лойиҳа қўшимча энергия захирасини яратиб, бутун жанубий ҳудуд энергетика тизимини мустаҳкамлайди. Шу билан бирга,

янги сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратади, – деди Ўлжас Бектенов.

Айни пайтда Туркистон вилоятида электр энергиясига бўлган ўртача талаб 445 МВт.ни ташкил этаётган бўлса, ички ишлаб чиқариш ҳажми 136,5 МВт даражасида сақланиб қолмоқда. Янги станция ишга туширилиши натижасида ушбу номуთანосиблик бартараф этилади.

Бош вазир масъул идораларга лойиҳани белгиланган муддатларда, экологик талабларга қатъий риоя этган ҳолда ҳамда тармоқ инфратузилмаси билан уйғун тарзда амалга ошириш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТИ: ТОЗАЛИК ВА ИНТИЗОМ – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Қадри ватандошлар!

Бугун "Покланиш куни" муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудларида "Тоza Қозғоғистон" умуммиллий лойиҳасининг янги босқичини бошловчи кенг қўламли экологик тадбир бошланди.

Ушбу сана Наврўзнама ўн кунлигида алоҳида аҳамият касб этади. Жамиятимиздаги янгилаш жараёни табиатнинг уйғониши билан уйғун кечаётгани барчамизга Ватан равнақи йўлида янада фаол меҳнат қилиш учун куч ва илҳом бағишлайди.

Республика миқёсида "Зилол булоқ" ташаббуси доирасида ишлар бошлаб юборилди. Унинг доирасида булоқ кўзларини очиш, дарахт экиш, сохиллар ва сув ҳавзаларини, ҳовлилар ҳамда истироҳат боғларини ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилади.

Наврўз байрами кунларида қабул қилинган Янги Халқ Конституциясида фуқароларнинг табиатга эҳтиёткорона муносабати миллий дунёқарашимизнинг устувор тамойилларидан бири сифатида белгиланган.

Янги Бош Қомусимиз мамлакат бирлигининг мустаҳкам пойдевори, маънавий ва ҳуқуқий йўлланмаимиз ҳамда мустақиллигимизнинг ишончли қафолати сифатида хизмат қилади.

Унда жамиятимизда ҳамжихатлик, масъулиятли ва бунёдкор ватанпарварлик, шунингдек, "Тоza Қозғоғистон" кадриятларини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

"Тоza Қозғоғистон" госясининг моҳияти нафақат кўча ва ҳудудларни озода сақлаш, балки фуқаролар фаровонлигига хизмат қиладиган пок ният ва соф фикрларни шакллантиришдан иборатдир.

Барча ватандошларимизни "Покланиш куни" билан самий табриклайман!

Бугун юртимизда тобора кўпроқ фуқаролар экологик турмуш тарзини танлаб, табиий захиралардан оқилона фойдаланишга эътибор қаратмоқда. Бу эса ёрқин истиқболимизнинг мустаҳкам гаровидир.

Шу муносабат билан барча қозғоғистонликларни тозалик ва тартиб-интизомига бағишланган умумхалқ тадбирида фаол иштирок этишга чақираман.

Ишончим комилки, умумий саъй-ҳаракатларимиз билан мамлакатимиз тараққиётида янги марраларни забт этамиз, адолатли, тоза ва илғор Қозғоғистонни барпо этамиз.

Барчангизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман!

Akorda.kz.

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ – ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ АСОСИ



Янги Конституция мамлакатнинг асосий қонуни сифатида 1 июлдан кучга киради. Ундаги ўзгаришлар жамиятнинг асосий эҳтиёжларига, шу жумладан, экологик хавфсизлик масалаларига ҳам тааллуқли. Янги Асосий Қомусида энг муҳими – инсон ҳаёти ва соғлиги учун қулай муҳит яратиш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби асосий тамойиллар киритилди.

Ҳозирги кунда Қозғоғистонда экологик соҳада узоқ муддатли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Атроф-муҳит ҳолати устидан рақамли назорат ўрнатилиб, ўрмон ёнгинлари ҳолатини ўз вақтида аниқлаш, ўрмон захираларини ҳисобга олиш ва миллий боғларга ташрифни, зарарли чиқиндиларни назорат қилиш ишлари олиб борилмоқда. Чиқиндиларни бошқариш тизимини ривожлантириш ва хусусий сармояларни жалб қилиш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Президентнинг "Тоza Қозғоғистон" ташаббуси эса бутун мамлакатда кенг қўламли ҳаракатга айланди.

Ҳудудлар тозалигини таъминлаш, маърифий лойиҳалар, экологик маданиятни юксалтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, 2 миллиард туп дарахт ўтказиш ва ўрмон майдонини 14,5 миллион гектарга етказиш ишлари ҳам давом этмоқда.

Бироқ, ижобий натижаларга қарамай, ечим талаб қиладиган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, ернинг унумдорлик қобилиятини йўқотиши ва чўлланиши.

Дунё бўйлаб тарқалаётган ўрмон ёнгинлари ҳам табиатга катта зарар келтирмоқда. Шу боис ёнгиннинг олдини олиш чоралари кучайтирилиб, тизимда сунъий идрок жорий этилмоқда. Йил охирига қадар ёнгин хавфи мавжуд 5,4 миллион гектар майдон бу тизим билан қамраб олинади.

Янги Конституциядаги муҳим янгиликлардан бири – экологик андазаларни янгилаб, фуқароларнинг масъулиятини кучайтириш. У табиатни муҳофаза қилишни инсон ҳуқуқлари билан бир қаторга қўяди. Шу билан бирга, фуқароларга атроф-муҳит ҳолати ва табиий бойликдан тушган даромадлар ҳақида маълумот олиш ҳуқуқи берилди. Бу эса экологик назоратни ҳам, иқтисодий тараққиётни ҳам конституция даражасида мувозанатга келтиради.

Янги Конституцияда илк бор давлатнинг асосий кадриятлари даражасида табиатга инсонбагар эҳтиёткорлик ва экология муҳофазаси белгиланди.

– Барқарор тараққиёт, экологик хавфсизлик ва келажак авлодлар учун ғамхўрлик – Қозғоғистоннинг стратегик танловидир. Бу замонавий андазалар, энг яхши тех-

нологиялар ва экологик ҳисоботларнинг шаффофлиги билан ҳам боғлиқ. Давлат илм-фан, таълим, экологик ташаббуслар ва рақамли ечимларни қўллаб-қувватламоқда. Шу йўл билан мамлакатимиз дунёвийлашган оламда барқарор рақобатбардош бўлади. Бу – Адолатли Қозғоғистон госясининг амалий ифодаси, – деди Сенат Раиси Маулен Ашимбаев Ҳукумат соатида.

Янги Конституцияда экологик меъёрларнинг нуфузи оширилди, давлат ва жамият табиатни муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашда уйғун ва самарали ҳаракат қилади. Натижада, экология ва иқтисодий манфаатлар мувозанати сақланиб, аҳолининг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш юксак даражага кўтарилади.

А. АБДУФАТТОҲ.

Мамлакатимизни янгилаш ва замонавийлашув жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг мавқеи тобора юксалмоқда. Хусусан, биргина экология соҳасида 300дан зиёд нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда экологик назорат турлари ва шакллари, амалга ошириш тартиби, давлат назорат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлигининг мазмуни ва дастаклари тўлиқ очиб берилган. Шу билан бирга, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назорати хизматлари ваколатлари чегаралари ҳамда улар томонидан ўз вазифаларини рўйбга чиқариш қоидалари аниқ тартибга солинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат – "Экологик кодекс" 2021 йил 2 январда қабул қилиниб, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш ва фуқароларнинг соғлом муҳитда яшаш ҳуқуқини қафолатлашга қаратилган қатор муҳим меъёрларни ўз ичига олди.

Хусусан, ҳужжатда экологик назорат тизими алоҳида бўлим сифатида белгиланган бўлиб, у давлат, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати каби йўналишларни қамраб олади.

Давлат экологик назорати ваколатли ташкилотлар томонидан амалга оширилиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан мунтазам текширув ва назорат ишлари олиб борилади.

Шу билан бирга, корхоналарда ишлаб чиқариш экологик назорати жорий этилган. Унга кўра, хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятининг табиатга таъсирини доимий равишда кузатиб бориши, чиқиндилар ва зарарли таъсирларни камайтириш чораларини кўриши шарт.

Жамоат экологик назорати ҳам тизимнинг муҳим қисми ҳисобланади. Фуқаролар ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида фаол иштирок этиб, жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятига эга.

ТОЗА МУҲИТ – МАҚСАД ЯГОНА, ҲАРАКАТ МУШТАРАК

ЖАМОАТЧИЛИК ЭКОЛОГИК НАЗОРАТИ – ЭКОТИЗИМНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ



Экологик назоратнинг барча шакллари уйғунлаштирилган ҳолда амалга ошириш табиатни асраш, экологик муаммоларнинг олдини олиш ва барқарор тараққиётни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳужжатда экологик назоратнинг вазифалари, табиий муҳит ҳолати мониторинги, давлат, шунингдек, идоравий, ишлаб чиқариш ҳамда жамоатчилик назоратининг моҳияти кўрсатиб ўтилган. Мазкур назоратни олиб борадиган ваколатли идоралар рўйхати белгиланган.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигида мусаффо атроф-

табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликни янада ривожлантиришда ҳам мантйқий қадам бўлади.

Мен раҳбарлик қилаётган «Угам» ноҳукумат бирлашмаси амалга ошираётган лойиҳаси учун халқаро грантни ютиб олди. Шу каби "яшил" технологиялардан фойдаланувчи лойиҳаларни мамлакатнинг саккиз вилоятида яна 13та ноҳукумат ташкилот амалга оширмоқда. Қозғоғистоннинг "яшил иқтисодиёт" шаклига ўтиши Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилмоқда.

Жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассис Динара Салиеванинг маълумотларига кўра, «Қозғоғистоннинг яшил иқтисодиёт шаклига ўтишига кўмак» лойиҳаси доирасида Қозғоғистоннинг "яшил иқтисодиёт"га ўтиши учун 7 миллион евродан зиёд маблағ ажратди. Лойи-



муҳит ҳуқуқи ҳар бир фуқаро ва инсоннинг асосий ҳамда ажралмас ҳуқуқларидан бири сифатида эътироф этилган. Уларда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик экологик назоратининг мустақил субъектлари сифатида белгиланган.

Мазкур кодекснинг қабул қилиниши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунлар ижросида ҳамда экологик муаммоларни ҳал қилиш жараёнига жамиятнинг турли қатламларини ва давлат тузилмаларини жалб қилган ҳолда экологик назоратни изчил амалга оширишда ўз аксини топади.

Ҳужжатнинг асосий вазифалари фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва бартараф этишининг самарали дастакларини яратиш, экологик назорат соҳасидаги ваколатли идоралар назорат фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик шакллари тақомиллаштириш, ННТ, фуқаролик жамияти бошқа тизимларининг экология соҳасидаги қонунчилик талаблари ижросини таъминлашдаги фаолиятини янада кучайтириш ҳисобланади.

"Экологик кодекс" жамоатчиликнинг соҳадаги ҳуқуқий имкониятларини кенгайтиради, шу билан бирга,

ҳа асосида мамлакат бўйича сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш дастакларини жорий этиш мақсади турибди. Агар мамлакатимиз фуқаролари сув захираларини оқилона сарфлашга аҳамият қаратса, ҳатто кичик лойиҳалар орқали ҳам сувни самарали тежаш ва салмоқли ҳисса қўшиш имкони пайдо бўлади.

Алихан АБДЕШЕВ,
«Угам» ноҳукумат
бирлашмаси раиси, экотуризм
бўйича Минтақавий Аҳборот
Маркази мувофиқлаштирувчиси.



»» "Жанубий Қозоғистон" газетасига – 35 йил

ЭНГ ОЛИЙ ИШОНЧ

Туркистон вилоятининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида матбуотнинг ўрни беқиёс. Маълумот тарқатиш, фикрлар ва ғояларнинг ривожланиши, халқни янгилаш ва тараққиёт йўлига жалб этишда газета ва журналлар ҳамisha асосий восита бўлиб келган.

"Жанубий Қозоғистон" газетаси 35 йил давомида халқ ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва маданий-маърифий жараёнларни ёритиб, ўқувчиларнинг ишончини қозонди. Шу йиллар мобайнида чоп этилган мақолалар нафақат воқеаларни акс эттирди, балки халқ онгу кайфиятини, таълим ва маданият соҳасидаги интилишларни ҳам яққол намойиш этди.

Куйида "Дўстлик байроғи"дан бошлаб, кейинчалик "Жанубий Қозоғистон" номи билан чоп этилган энг сара мақолаларни тақдим этамиз. Ушбу мақолалар орқали ўтган 35 йиллик тарихни ва мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеаларни яна бир бор ҳис қилиш имконияти яратилади.



Газетанинг махсус нишона сони "Дўстлик байроғи" номи билан 1990 йилнинг декабрида чоп этилди. Унда тахририятнинг муштарийларга мурожаати, Иброҳим Хуқиевнинг "Туркий тилимга" шеъри, Мирсобир Миразиев, Маҳаммадjon Юнусов, Абдуманноб Алесов, А. Текебаев, Маҳаммад Саидов, Эрнатар Рўзиматовларнинг мақолалари чоп этилган.

Шунингдек, газетанинг махсус сонидан уни чиқаришда хизмат қилган Юсуфjon Сайдалиев, Мираҳмад Мирхолдорлов, Бегмат Турдиқуловларнинг мақолалари ҳам ўрин олган. Адабиёт саҳифасида Собирjon Юсуфалиев, Инобат Қўчқорова, Журъат, Умрий Каримова, Абдумалик Сармонов ва Ҳамид Исоқовнинг шеърлари чоп этилган.

10 000 нусхада чиқарилган ушбу сонни чоп этишда Муродjon Абубакиров, Бегмат Турдиқулов, Абдуманноб Алесов, Гуландон Эрова, Фарҳод Асилловларнинг хизмати беқиёс. Ушбу сонга Мираҳмад Мирхолдорлов ва Юсуфjon Сайдалиев муҳаррирлик қилишган.

Бегмат Турдиқуловнинг "Халқ таълимидаги долзарб муаммолар" мақоласидан:

"Ёшларни эстетик руҳда тарбиялашда мусиқанинг ўрни беқиёс. Сайрам ва Туркистон туманларидаги мусиқа мактабларини ҳисобга олганда, бошқа туманларда, ҳатто Чимкент шаҳридаги мусиқа мактабларида ўзбек миллий мусиқа таълими берилмайди".

1991 йил

1991 йил 5 апрелдан "Дўстлик байроғи" (бўлғуси "Жанубий Қозоғистон") мунтазам чоп этила бошланди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси С. Терешченко газетанинг илк сонига берган табригида:

"Мазкур рўзномани деярли 55 йиллик танаффусдан кейин чиқариш вилоятимиз ҳаётидаги катта воқеалардан бири саналади. Очиқлик ва ошқоралик шарофати билан 300 мингга яқин қардош ўзбек халқи вақиллари рўзномани она тилида ўқидилар".

"Дўстлик байроғи", №1, 1991 йил 5 апрель.

М. Саттор (Абдумалик Сармонов)нинг "Деҳқонга ер ва эрк керак" мақоласидан:

"Хўжалиқлардан завқ-шавққа тўла рапортлар келмоқда. "Фалон гектар майдонга барака уруғи қадалди". "Фалонча ҳосил олишга қарор қилинди" ва ҳоказолар. Аммо "жўжа кузда саналганда", қўрқаманки, яна эрта тушган совуқлар, транспорт етишмаслиги, бошқа сабаблар туфайли ҳосил чўғи камлиги таъкидланган".

"Дўстлик байроғи", №2, 1991 йил 9 апрель.

Равшан Мирзаевнинг "Ҳамжиҳатлик билан" мақоласидан:

"Манкентживмаш" ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ленинча шанбалikka ҳар жиҳатдан уюшқоқли равишда чиқдилар. Бу кунги ҳашарда 3000дан зиёд ишчи ва хизматчилар қатнашишга аҳд қилишди".

"Дўстлик байроғи", №5, 1991 йил 19 апрель.

И. Жумановнинг "Давра суҳбати ўтказилди" мақоласидан:

"Баҳор байрами кунларида Сайрам туманидаги Қорамурт кишлоғида Яссавий ижоди ва унинг инсон одоб-ахлоқида таъсири мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон ССЖ Наманган вилояти қозиси Умарjon ҳожи ҳазратлари, Чимкент шаҳар масжиди қориси Асоиддин Сойибназаров, Сайрам масжиди имоми ҳожи Ибодулло дом-



ла, Яссавий авлодидан Азизxon азлар ҳазратлари, вилоят ўзбек маданият маркази координацион Кенгаши раиси С. Нурматов, М. Мирхолдорловлар қатнашдилар".

"Дўстлик байроғи", №10, 1991 йил 7 май.

Хуршид Қўчқоровнинг "Йўлдаги учрашув" мақоласидан:

"Маълум бўлишича, иккови ҳарбий хизматни 25 йил бурун бирга ўташган экан. Яна қаерда дегн – олис Польшада. Йўлнинг анча қисмини босиб кўйдигу, хизматдошларнинг Польша ҳақидаги таассуротлари тугай демайди".

"Дўстлик байроғи", №13, 1991 йил 17 май.

Октябрь Тожибоевнинг "Қачон кўчаларга ёритгич қўйилади?" мақоласидан:

"Сайрам тумани, Манкент кишлоғида 17 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Кишлоғимиз йилдан йилга чирой очиб, кўчаларимиз ишанча, обод бўлиб бормоқда. Йўлларимиз асфальтланган бўлсада, тор. Уларда кечаси юриш оғир, зим-зиё қоронғуда ҳеч нарсани кўриб бўлмайди".

"Дўстлик байроғи", №15, 1991 йил 23 май.

А. Ортиқовнинг "Меҳнатнинг тағи роҳат" мақоласидан:

"Умрини пахтага бағишлаган Акабой Ҳақимовнинг узоқ йиллик самарали меҳнатлари зое кетмади. Ленин, Меҳнат Қизил байроқ орденлари ва қатор медаллар билан тақдирланган. Меҳнат фахрийси 10 ўғил-қизини вояга етказган. Кенжа ўғли Дилмурод Москва давлат дорилфунуни физика-математика куллиётининг иккинчи курсида таҳсил олмақда".

"Дўстлик байроғи", №16, 1991 йил 28 май.

"ССЖИ Президенти М. С. Горбачёв Чимкентда" мақоласидан:

"Ижарачи деҳқонларнинг ташвишлари ва муаммолари Михаил Сергеевичнинг улар билан суҳбатидида асосий ўрин тутди. Бундай учрашулар "Партия XXI съезди" шўро хўжалигидаги М. С. Жақилбоев бригадасида, М. С. Киров номи давлат-ширкатчилик бирлашмаси, "Буржар" шўро хўжалигидаги Н. Урдабеков етакчилигидаги чорвачилик бригадаси далаларида олиб борилди".

"Дўстлик байроғи", №18, 1991 йил 4 июнь.

Асилхан Ўспан ўғлининг "Икки халқ гурури" мақоласидан:

"1932 йилдаги очарчиликда ўзбек биродарлар минглаб қозоқларни ўлимдан сақлаб қолгани халқим ёдидан асло чиқмайди. Меҳнаткаш Ўзбекистон аҳли ҳеч кимсага номаълум Умарқулнинг ўғли етимча Собирни катта ҳаёт саҳнасига чиқарди, уни танikli саркарда қилиб тарбиялади. Қозоқ халқи бундай эҳсонларни унутмагай!"

"Дўстлик байроғи", №20, 1991 йил 11 июнь.



А. Абдуғафоровнинг "Олдинги сафда коммунистлар" мақоласидан:

"4та цех партия ташкилоти, 5та партия группасида партия сиёсий ўқуви, ишлаб чиқариш-иқтисодий ўқуви олий маълумотли мутахассислар ва тарғиботчиларга топширилган".

"Дўстлик байроғи", №29, 1991 йил 11 июль.

Халқ ноиблари Чимкент вилоят Кенгаши еттинчи сессияси қароридан:

"... Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишмаслиги истеъмол бозорида барқарорликнинг бузилиши, ижтимоий тарангликни келтириб чиқармоқда. Утган 1989 йилга қараганда гўшт, сут маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари, алкоғолсиз ичимликлар таёёрлаш қамайди".

"Дўстлик байроғи", №31, 1991 йил 18 июль.

Муродjon Абубакировнинг шoir Мирпўлат Мирзо билан "Ҳамюртимиз фикрлари" мусохабасидан:

"Ижодий тўғараклар бевоқифа

матбуот билан, вилоят ёзувчилар уюшмаси билан мустақкам алоқада бўлса, қозоқ ижодкорлари билан учрашувлар ўтказилиб турилса фойдадан холи бўлмасди. Зеро, бу ўлкада Хонбиби Эсенқараева, Мархабат Байғут, Қосимxon Бегманов, Ҳамза Холмирзаев, Ерсин Қўйбагаров каби иқтидорли қозоқ қаламкашлари ижод қилади".

"Дўстлик байроғи", №32, 1991 йил 23 июль.

"Карточка системасига етиб келидик" мақоласидан:

"Халқ ноиблари Чимкент шаҳар Кенгаши ижроқўми шаҳарда карточка системаси жорий этишга қарор қилди... Жон бошига 200 граммдан сариёғ, гуруч, 250 грамм ўсимлик мойи, битта катта кишига (21 ёшга тўлган) кварталига 1 литр ароқ сотиш мўлжалланмоқда".

"Дўстлик байроғи", №36, 1991 йил 6 август.

Наргиза Сайданованинг "Яшамоқлик – умрлик кураш" мақоласидан:

"Кўҳна дунёимиз бамисоли бир зиддиятхона. Ундаги қарама-қаршиликларнинг маркази – инсон".

"Дўстлик байроғи", №38, 1991 йил 13 август.

"Янги қонун кучга кирди" мақоласидан:

"Матбуот ва бошқа ахборот воситалари тўғрисида" Қозоғистон ССЖ Қонун кучга кирди... 31-модда. Журналист ҳуқуқлари:

- Журналист касбий журналистик вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳолларда мансабдор шахс томонидан қабул қилинишга;

- Қонунда кўрсатилган ҳоллардан ташқари ҳар қандай ёзувлар, жумладан, аудиовизуал қурилмалар, кино ва фото аппаратлардан фойдаланган ҳолда олиб боришга ҳақли...

"Дўстлик байроғи", №40, 1991 йил 20 август.

Қозоғистон ССЖ Президенти Н. А. Назарбаевнинг Қозоғистон халқига мурожаатидан:

"...Мен Қозоғистон ҳудудида жойлашган ССЖИ Қуролли кучлари, ДХҚ, ИИВ қисмлари ва бўлинмалари шахсий составини Конституция нормаларига содиқ қолишга, шахс ҳуқуқларини ва маҳаллий ҳокимият органларини ҳурматлашга қақираман. Қозоғистон ССЖ ҳудудида фавқулодда ҳолат эълон қилинмаганлиги, қабул қилинган Давлат мустақиллиги ҳақида декларация ва Қозоғистон ССЖ Конституциясига кўра бутун ҳокимият шўро органларига қаршли эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим..."

"Дўстлик байроғи", №41, 1991 йил 22 август.

"Халқ ноиблари вилоят Кенгаши сессияси" мақоласидан:

"Халқ ноиблари вилоят Кенгаши "Онтустик Қазақстан", "Южный Казахстан" ҳамда "Дўстлик байроғи" вилоят рўзномаларини ижтимоий-сиёсий рўзномаларга айлантириб, таъсис этувчи тарихида рўзномаларнинг жамоаларини киритди".

"Дўстлик байроғи", №43, 1991 йил 29 август.

М. Сатторнинг "Митинг бўлиб ўтди" мақоласидан:

"28 август кунги вилоятимиз марказида митинг бўлиб ўтди. Унда бир қатор Комфирқа етакчилари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ишчилар иштирок этдилар. Митингда Қозоғистон ССЖ мустақиллиги ниҳоятда муҳимлиги, айни вақтда халқлар дўстлиги каби энг зарур хислатларни сақлаб қолиш ҳақида сўзлар айтилди".

"Дўстлик байроғи", №41, 1991 йил 22 август.

Ш. Мадалиевнинг "Қувватлайман!" мақоласидан:

"1991 йил 1 декабрь кунги ўтказилган Қозоғистон ССЖ Президент сайловида мен кўрсатилган Қозоғистон ССЖ Президенти Нурсултон Абишевчи Назарбоев номзодини қўллаб қувватлайман, сабаби Президентимиз ижтимоий-иқтисодий танглик пайтида жумҳурият ҳудудида ижтимоий-сиёсий барқарорликни, миллатлараро тотувлик, жумҳурият суверенлиги каби йирик масалаларни ташкил қилишда хизмати беқиёс. Ўртоқ Нурсултон Абишевчи қандай лавозимларда ишласин халқ ишончини оқлаб, унинг манфаатини кўзламоқда..."

"Дўстлик байроғи", №64, 1991 йил 12 ноябрь.

"Хуш келибсиз, коинот ўғлонлари" мақоласидан:

"...Утган пайшанба кунги Чимкентга қозоқ фазоғири Т. Аубакиров таширф буюрди. Шу кунги кечқурун халқ ноиблари вилоят Кенгаши кичик залида Т. Аубакировнинг матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Фазоғир Орол ҳақида куйиниб гапирди. Зеро, у жаҳонда ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Бугунги жлеали денгиз қаъридан азрозол газлари кутарилиб, унумдор ерларни ҳам ифлослантarmoқда".

"Дўстлик байроғи", №68, 1991 йил 26 ноябрь.



Жамюртимиз – Тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария эпидемиология бошқармаси бошлиғи Нурмат Отабеков қаламига мансуб «Мен шу ердан» номли китоб чоп этилди.

»» Топиб ўқинг!

«МЕН ШУ ЕРДАМАН»

Китобда олим, шифокор, айти пайта истеъдодли шоир, ёзувчи, жамоат арбоби, ҳамюртимиз Нурмат Отабеков ўзининг ҳаёт йўли,



болалик ва ёшлик даври, меҳнат фаолияти ҳақида китобхон билан сўзлашди. Уртоқлашади.

Рисолани ўқир экансиз, инсонни юксакларга кўтараркан буюк куч ва қудрат – ҳалол яшаш, ҳалол меҳнат қилиш эканлигига чин юракдан ишонч ҳосил қиласиз. Зотан, меҳнат – маданиятнинг асосига айланиб, санъат даражасига кўтарилгандагина, у инсонга завқ-шаъв, хузуур-ҳаловат бахш этади.

Нурмат Отабековнинг «Мен шу ердан» китоби маънавиятимиз ривожига қўшилган салмоқли бир ҳиссадир...

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

ШИФОКОРЛИК – ҚИСМАТ, ДАРОМАД МАНБАИ ЭМАС

Жамиятимизда шифокор хотин-қизларнинг ўрни бекиёс. Улар оилада меҳрибон она, бека. Шу билан бирга, инсон саломатлигини асрашдек юксак масъулиятни ҳам ўз зиммасига олади. Шифокорлик осон касб эмас. Унинг кўп вақти навбатчиликда ўтади. Жарроҳлик амалиётлари, бемор аҳволини мунтазам назорат қилиш – бу касбнинг ажралмас қисми. Шу ҳаёт тарзи улар учун одатий ҳол.

Мақоламиз қаҳрамони Шоҳсанам Абдурашулова ана шундай фидойи шифокорлардан. Унинг бу касбга меҳр кўйиши беҳиз эмас, чунки оиласида шифокорлик анъанаси мустаҳкам илдиз отган.

Шоҳсанам Самарқанд шаҳрида туғилган. Отаси – таниқли тиш шифокори Равшанбек ака, онаси Дилбар опа муҳандис-технолог бўлган. У 3-синфгача Ўзбекистонда, сўнг Шимкент шаҳридаги мактабда таҳсил олди. Жанубий Қозоғистон Тиббиёт Академиясини имтиёзли диплом билан тамомлаган, 3-болалар шифохонасида болалар жарроҳи сифатида фаолиятини бошлади. Мутахассислар тақчиллиги сабабли унга ЛОР йўналишига ўтиш тавсия қилинди. Қисқа муддатли курсни

нитет тизими бегона моддалар ҳаддан ташқари таъсир қилганда юзага келадиган ҳолат. Ва бу моддалар «Аллерген» деб аталади. Белгиларига бурун оқиши, аксиратиш ва кўз ёшлиниши, нафас қисилиши, терида қичишиш ва тошмалар киради. Аллергия йилдан йилга ёшармоқда. Бу овқатланиш тартибига ҳам боғлиқ. Илгари 10 нафар бемордан 2 нафарда аллергия кузатилаган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 8 нафарга етди. Об-ҳавонинг қурғоқ келиши, чанг-тўзон, шамолнинг кучайиши ҳам бунга сабаб бўлади. Газли ва турли энергетик ичимликларни мунтазам истеъмол қилиш, тез тайёрланадиган, кўча таомларини кўп истеъмол қилиш ҳам салбий таъсир кўрсатади. Таомларимизга диққатли бўлишимиз керак. Яқинда бир талабкорни кулоғида микрокулоқчини қўлиб кетибди. Уни чиқардик. Бундай ускуналар эшитиш қобилиятига зарар етказиши мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, телефон қувватлаётган пайтда ишлатиш хавфли. Эшитиш жуда ноёб неъмат. Уни асраш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида.

– Қўлоқ гигиенасига тўхталсангиз.

– Айрим оналар қўлоқ тампонлари билан болаларнинг қўлоқларини тез-тез тозалаб туришади. Бу нотўғри. Йилда бир бор мутахассис кўригидан ўтиб туриш етарли. Қўлоқ сиртини тозалаш билан келкиши керак, ҳозир Ичкарига ҳеч нарса киритмаслик керак. Қўлоқ ичида ҳосил бўладиган сарғиш ёпишоқ модда қўлоқни чанг-тўзон ва микроб-

Яқинда бир талабкорнинг кулоғида микрокулоқчини қўлиб кетибди. Уни чиқардик. Бундай ускуналар эшитиш қобилиятига зарар етказиши мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, телефон қувватлаётган пайтда ишлатиш хавфли. Эшитиш жуда ноёб неъмат. Уни асраш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида.

Аслида жарроҳлик қиларкан ЛОР шифокорлари санокли бўлса, улар орасида хотин-қизлар жуда кам. Айти кунда касалхонамизда жарроҳлик амалиётларини бажараркан қиз-келин шифокорларнинг ягона вакиласиман.

тамомлаган, ЛОР шифокор сифатида 1-шаҳар клиник касалхонасида ишини бошлади. Бугун у олий тоифали шифокор.

– Падали бузруқворим томонидан бувим Саломат Қаримбоева Каттакўрғон шаҳар касалхонасининг бош хамшираси, волидаи муҳтарамам томонидан бувим Шарифа Абдуразоқованинг педиатр, доя бўлганлиги ҳам авлодимизнинг шифокорлар сулоласига айланшида аҳамиятли, – дейди Шоҳсанам Равшанбек қизи. – Раҳим акам вилоятнинг штатсиз онколог вазифасида меҳнат қиляпти. Синглим Дилфуза – стоматолог. Синглим Равона дояликни ўрганган. Бувиларимнинг руҳлари шод бўлсин, ажодларим маънавий жиҳатдан бизга муҳим йўлнамани бериб кетган. Аслида жарроҳлик қиларкан ЛОР шифокорлари санокли бўлса, улар орасида хотин-қизлар жуда кам. Айти кунда касалхонамизда жарроҳлик амалиётларини бажараркан қиз-келин шифокорларнинг ягона вакиласиман.

– Бир кунда нечта жарроҳлик амалиётини бажарасиз? Беморлар, асосан, қандай шикоятлар билан мурожаат қилишади?

– Беморларимиз кўп ҳолларда бурун тўсийининг қийшайиши, бурун ичида пайдо бўладиган юмшоқ ўсимтадан, турли аллергия хасталиқларидан шикоят қилиб, келишади. Бир кеча кундузда 5тагача амалиёт ўтказаман. Айримлари 5 дақиқада тугайди, баъзилари эса 2 соатгача давом этади. Сўнги пайларда аутизмдан шикоят қилиб келаятганлар кўпаймоқда. Қўлоғи яхши эшитмай, атрофидаги дунёни қабул қилишда жуда қийналади. Илгари бундай хасталикка учраган болалар у қадар кўп эмасди. Биз уларга фақат шифокор маслаҳатини берамиз. Беморлар орасида аллергия ҳолатлари кўп. Бу қандай ҳолат? Аллергия – бу имму-



шанба куни бир қизни жарроҳи қилдим. Оғиз бўшлиғида танадан ташқи модда бўлган. Икки ҳафтача аввал компьютер томографиясини қилиб келган эди. Уни яна ҳаражатга қўймадик учун (КТ нархи 10 миң тенге), ўша тахлил ҳулосаси асосида жарроҳлик амалиётини бажардик. Стоматолог олган тишнинг ярми қолиб

Ўтган кунларимга беадад шукроналар айтаман. Касбимни ардоқлайман. Ҳаёт менга ҳар бир дақиқани қадрлашни, неъматларни розилик билан қабул қилишни ўргатди. Шифокорлик шундай залворли ва масъулиятли соҳаки, унга даромад топаман, фойда кўраман, деб ҳеч ким келмайди. Аксинча, шифо улашаман, ўзимдаги бор куч-қувватни бераман. Имкониятларни эззулиқ йўлида сарфлайман, деган инсонларгина келади.

кетган экан, уни жарроҳи усули билан чиқардик. Кўнглим сезяпти, шу атрофда ўсимта бўлиши керак, бўлмаса у қадар безовта қилмас эди. Эртаси куни яна жарроҳи йўли билан ўсимтани олиб ташладим.

Шоҳсанам умр йўлдоши Шерзод билан уч фарзандни вояга етказишяпти. Тўнғичи – Комила Астана шаҳридаги Халқаро университетда грант асосида инглиз ва хитой тилларини ўрганапти. Рамазон ва София – мактаб ўқувчилари. Шифокор оилада кенжа келин бўлиб, келинлик хизматларига ҳам улгурмоқда.

– Ҳам ишлаб, ҳам уй ишларига улгурши осон эмас. Шимкентга 1991 йили кўчиб келганмиз. Ўтиш даври, шифокорлар, муаллимлар, муҳандислар ва кўпгина зиёлилар мамлакатга умуман ноқерак бўлган кезлар эди. Ўша даврда тикувчилик касбини ўргандим, либосларимни ўзим тикардим. Ўтган кунларимга беадад шукроналар айтаман. Касбимни ардоқлайман. Ҳаёт менга ҳар бир дақиқани қадрлашни, неъматларни розилик билан қабул қилишни ўргатди. Шифокорлик шундай залворли ва масъулиятли соҳаки, унга даромад топаман, фойда кўраман, деб ҳеч ким келмайди. Аксинча, шифо улашаман, ўзимдаги бор куч-қувватни бераман. Имкониятларни эззулиқ йўлида сарфлайман, деган инсонларгина келади. Шулар жумласидан эканлигим – менга руҳ, қувват бағишлайди.

Мунира ЖАМОЛИДДИН қизи.

Ҳа, миң бир рангда товланиб турган хуш табиатдан завқланиб ўсган Шаҳнозабону 17 ёшида талаба ёшларнинг илғор етакчисига айланган. 2023 йилдан Жанубий Қозоғистон Тиббиёт академиясининг Талабалар ассамблеяси «Бірлесу»нинг раисаси, Республика «Ассамблея ёшлари» жамоат бирлашмаси аъзоси, 2025 йилдан шу нуфузли ташкилотнинг Шимкент шаҳри буйича раҳбари, «Қазақстанның үздік студенти» медали, «Үздік Ҳайымбасшы – 2025» мукофоти соҳибаси бўлди.

Ленгер шаҳридаги 5-сонли мактаб-гимназия аълочилиги Шаҳнозабону Жоналиева ЯМТни муваффақиятли топшириб, Алматы шаҳридаги Асфендияров номидаги тиббиёт университетига грант ютиб олди. Ота-онаси ёлғиз қизининг олис ва азим шаҳарда ўқишини истамадилар. Натихада у Шимкент шаҳридаги ЖҚТанинг «Тиббиёт» факультети талабаси бўлди.



“УРИНИБ КЎР, УДДАЛАЙ ОЛМАСАНГ, БУ СЕНИКИ ЭМАС”

– Болалигингиз ҳақида гапириб берсангиз, дея бошладим мусоҳабамизни.

– Ашраповлар хонадонидан туғилиб ўсдим. Отам Мансурбек Ашрапов Тўлебий тумани ҳокимлигида давлат хизматчиси, «Иқтисод ва молия» бўлими раҳбари, онам Латофат Ниёзова асли касби ўқитувчи, айти дамда уй бекаси. Укаларим Шоҳрўх ТошМИ талабаси, Жаснур ва Самир эса мактаб ўқувчилари. Бувижоним Ҳуринисо Ашрапова эл-юрт таниган устоз-мураббийлардан, онам томондан бувам Ғанимат Ниёзов эса, ёдимда, «Жанубий Қозоғистон» газетасига мақолалар ёзиб турарди. Дарвоқе, қариндошларимиз маънавият ва илм-фанни қадрлаган зиёли инсонлар. Шундай даврда ўсганим учунми, менга ҳам шу фазилатлар кичик ёшимдан синдирилди. Ҳар томонлама фаол бўлишим учун ота-онам тарбиямга вақт ва сармоя аямадилар. 4 ёшимда рақс тўғарагига беришди, бундан ташқари гитара, фортепиано, вокал бўйича машқ олдим. 12 ёшимдан хореограф сифатида бошқаларга дарс бера бошладим. Туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги турли танлов, фестивалларда доим ғолиб бўлардим. Астана, Алматы, Тароз, ҳаттоки Россияда ҳам ғолиблик насиб этди. Оилада яшаш тарзимиз шундай: билим олишга иштиёқ, ихлос ва имконият бор. Самараси, албатта, намоеён бўларкан: кетма-кет 2 йил қозоқ тилидан олимпиада чемпиони бўлдим. Инглиз тилидан ҳам муваффақиятларга эришдим.

Дарвоқе, қариндошларимиз маънавият ва илм-фанни қадрлаган зиёли инсонлар. Шундай даврда ўсганим учунми, менга ҳам шу фазилатлар кичик ёшимдан синдирилди. Ҳар томонлама фаол бўлишим учун ота-онам тарбиямга вақт ва сармоя аямадилар.

Айти дамда тиббиёт академиясида, грант асосида инглиз гуруҳида тиббиёт сирларини ўрганмоқдаман. Бу жуда мураккаб, лекин болалиқдан хориз тилини ўрганганим асқотмоқда. Республика илмий-амалий анжуманларида ҳам совриндор бўлдим. «Антимикроблар муҳити» мавзуга бағишланган илмий ишимни Тошкентдаги «ТошМИ»да муваффақиятли ёқладим, ғолиблик шохулуси насиб этди.

Бундан ташқари, дизайнерлик билан шуғулланиб, «Модель мактаби»да ҳам ўқиганман. Либосларим, ташқи кўринишимга доим эътиборлиман.

– Асли ижодга қизиқар экансиз, нима учун мураккаб касб – шифокорликни танлагингиз?

– Мактаб давримда отам каби иқтисодчи бўламан, деб ўйлардим. Лекин биологияга қизиқардим, «Ютуб» канали орқали жарроҳлик соҳасига оид видеоларни томоша қилардим. Шу-шу тиббиётни танладим. Онам ҳам шу соҳани маслаҳат берди. Масалан, бугунги ёшлар кўпроқ мобилограф, таргетолог, СММ-ходим каби мутахассисликларни танлашмоқда. Тўғри, бу реклама, имидж билан боғлиқ, фақат ижтимоий тармоқлардаги касб, улардан бугунги кунда яхши даромад топиш мумкин. Яъни, кундалиқда меҳнатига яраша ҳақ олиб туришади, ойликка яшашмайди. Фақат, бир кун келиб, уларга эҳтиёж қолмаса, меҳнат бозорида талаб йўқолса-чи? Шу боис мен боларни вақтинчалик иш деб билдим. Шифокорлик эса шарафли, машаққатли, ўлмайдиган касб. Кейин бемор дардига малҳам бўлиш, савобли иш. Дардан қийналиб, азобланиб ётган беморнинг табии сиз қилишини бил тасаввур қилинг-а!

– Сиз фақат ўқиш билан овора эмасиз, жамоат ишларига ҳам фаолсиз. Бу эса кўп вақт, куч-қувват, яна етакчилик қобилиятини талаб этади...

– Албатта. Лекин мен, аввало, ўқийшимга устувор аҳамият қаратишим керак. Бу йил учинчи босқичдаман, бу жиддий поғона. Имтиҳонлар ҳам бошланяпти. Шунинг учун дарсларимни, уй вазифаларимни биринчи навбатда бажаришга ҳаракат қиламан. Лекин жонсарақлигим ҳам бор-да. Атрофимга бефарқ эмасман. Шу феълимни 1-босқичдаёқ сезишди ва гуруҳ етакчилигини менга топширишди.

– Сизга, ўша пайтда 17 ёшдаги қизга бутун бошли академия ёшларини бошқариш вазифаси ҳам юкланганида, қандай ҳолатга тушдингиз?

– Ота-онам билан маслаҳатлашдим. «Уриниб кўр, агар уддалай олмасанг, бу иш сеники эмас», дейишди. Шу гап далда бўлди. Раҳбар, яъни ташкилотчи, иш тақсимловчи, ҳимоя қилувчи, назорат қилувчи ва ниҳоят раҳбар-санъаткор ҳам бўлиб кетдим.

– Ишни нимадан бошлагингиз?

– Аввало, жамоа тузишдан. Кейин шаҳримиздаги бошқа университетлардаги бирлашмалар фаолиятини ўргандим. Жамоамга дастлаб яқин дўстларим, 1-курс талабаларини жамладим. 15 киши йиғилди, иш режимишни тасдиқладим. Байрамларга ба-

– Қиз болани кичик ёшидан келинликка тайёрлаш керак, деган қарашларга бироз қаршман. Бугунги кунда қизларнинг ўқиб, ҳунар-касб ўрганиб, соҳа билимдони бўлишларини истаймэн.

ғишлаб тадбир ўтказа бошладик. Масалан, 1 март, 8 март, 21 март, 1 май саналарига бағишлаб, баннерлар тайёрладиқ, концерт дастурларини туздик. Талабалар преректори Ербўл Қалтурсинули, Ёшлар сиёсати бўлими мудирини Берик Ташанов, талабалар ректорини Мерей Аскар каби раҳбарлар менга ишонч билдиришди ва ҳар бир ташаббус-ғояларимни қўллаб-қувватлашди. Қолаверса, 5 ой ичида жамоа доираси кенгайди, 80 аъзога етди. Ва «Энг яхши ташкилот» номинациясига сазовор бўлдик. «Бірлесу» миллатлар дўстлиги бирлашмамиз нафақат Шимкентда, балки Қозоғистонда ҳам танилиб, пойтахтларга тез-тез борадиган бўлди. Ўтган йили Тошкент шаҳридаги нуфузли учрашувларда иштирок этдик. Озарбайжоннинг Боку шаҳрида сафарбарлик бўйича ўқидим, академия эса харажатларни қоплади. Талабалар ўртасида ўтказилган катта кичик анжуманлар, танлов фестиваллар, илмий-амалий тадбирларнинг бош-қошида юргач, ўзбек ЭМБ доирасида ҳам кенг танилдик. Шанбалиқлар, концертлар, марафон, учрашувлар, айниқса, ўтган йили ҚХАнинг 30 йиллиги муносабати билан кўп тадбирлар ўтказдик. Кўнглимлик фаолиятимизни ривожлантириб, Шимкент шаҳар ЭМБ раҳбари Тоҳирбек Нишонбоев қўллаб-қувватлаши, рағбат билан янги ишларни бажармоқдамиз.

Бугунги кунда жамоамизда 200 нафар аъзо бор. Қозоғистон халқи Ассамблеяси Раиси ўринбосари Марат Азилхановнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирландим. Республикадаги раҳбаримиз, «Ассамблея ёшлари» бирлашмаси раиси Тимур Жумурбаев етакчилигида Қозоғистондаги ўзбек ёшларининг муносиб вакиллари бўлишга ҳаракат қилмоқдамиз, эл корига яраётганимиздан мамнунмиз.

– Ёшлар етакчилиги сифатида миллий урф-одатлар, анъаналаримизга муносабатингиз қандай, умуман, бугунги ўзбек ёшларига қайси одатларимиз ёқади, қайсилари ёқмайди?

– Қиз болани кичик ёшидан келинликка тайёрлаш керак, деган қарашларга бироз қаршман. Бугунги кунда қизларнинг ўқиб, ҳунар-касб ўрганиб, соҳа билимдони бўлишларини истаймэн.

Ассамблея хузуридаги Оталар ва Оналар кенгашларининг аъзолари, яъни катта ёшли бува-бувиларимиз ҳадеб ёш қизларни, мактаб ёшидан бекалиқка, рўзғорга тайёрлаш ҳақида айтишди. Қайнона-келин муносабатларига кўп тўхталишади. Ундан кўра, қизлар кўп тил ўрганишсин, энг яхши таълим-тарбияни олишсин, зўр устозлар кўлида ўқишсин, маънавий юксалишсин, дейишмаяпти. Ахир, бу миллат, юрт барқарорлиги учун ҳам керак. Келинликка, ошхонада овқат тайёрлашга кейин ўрганилса ҳам бўлади-ку. Лекин илм-фанни фақат ота-онаси бағрида, ёшроқ пайтида эгаллаши керак, кейин бундай имконият бўлмаслиги мумкин.

Сўнги пайлардаги Ассамблея йиғилишларида тўйларни ихчамлаштириш, ортиқча урфларни йўқотиш ҳақида кўп айтиляпти. Лекин фақат бизнинг миллатга хос бўлган, бошқаларда йўқ қадриятларни сақлаб қолсак, нимаси ёмон?

– Ишларингизга омад, мазмунли суҳбатингизга раҳмат!

Н. МАВЛОНОВА.

НОН – ТУЗ ҚАДАРЛИ УЛУҒ



Асрлар ўтди ва яна асрлар ўтди – дунё ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий ижодини ўрганади, ўрганавради, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросига қизиқади, унга интилади, интиглаверади.

Чунки, Алишер Навоий туркий адабиётни юксак юлдузлар ёнига олиб чиқди, туркий тилли адабиётнинг мукамал андазасини яратди, ҳазратдан кейин туркий тилда адабиёт иншо қилиш расм бўлди, бошқа туркигўй шоирлар ҳам ўз она тилларида дадил ёза бошладилар. Мирзо Бобурнинг нафис ва мардона рубоий ва ғазаллари, “Бобурнома” ва яна бошқа асарлари бекимё жозибаси, бадийи ва ижодий қиммати билан жаҳон аҳлини мафтун этиб келади.

Қиш фаслининг сўнги – февраль оии кейинги йилларда юртимизда адабиёт ойлиги сифатида нишонлаб келинмоқда. Сир эмас, дунёда байрамлар, турли анжуманлар кўп. Шуларнинг орасида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд саналари билан боғлиқ тантаналар нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда кенг миқёсда нишонланиши билан алоҳида аҳамиятга молик. 2025 йил 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Муражаотномасида Соҳибқирон Амир Темур, Мир Алишер Навоий каби буюк бобуларимизнинг кутлуг таваллуд айёмларини юксак даражада, ҳар томонлама муносиб ўтказишда маҳаллалар, таълим-тарбия масканлари, меҳнат жамоалари, зиёлилар, мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари, умуман, бутун халқимиз фаол иштирок этиши зарурлигини таъкидлаган эди. Бу борада “Ватандошлар” жамоат фонди бошқаруви раиси ўринбосари Болдиддин Санаев фонд олдидан турган вазифалар ҳақида куйидагиларни сўзлаб берди:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан адабиёт ва санъатни, маданият ва китобхонлиқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини ёш авлодга бекума-кўст этказиш борасида амалга оширилаётган сиёсат ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Алишер Навоийнинг 585 йиллиги, Мирзо Бобурнинг 543 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида “Ватандошлар” жамоат фонди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан ҳамкорликда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Корея, АҚШ, Европа мамлакатларида маданий-адабий тадбирлар уюштирилмоқда. Бу тадбирларда шоир, ёзувчи, адабиётшунос ва тарихчи олимлар, санъаткорлар, маданият соҳаси вакиллари фаол иштирок этмоқда. Зеро, бугунги кунда дунёнинг турли давлатларида истиқомат қилаётган миллатдошимиз орасида она тилимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз, санъатимиз, қадрият ва анъаналаримизни ёйиш, тарғиб этиш ҳамда миллатдошларимизнинг кейинги авлодлари ҳам улардан тўла-тукис баҳраманд бўла олишини таъминлаш жамоат фонднинг асосий вазифасига кирилади. Бу борада Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби дунё тамаддунида ўчмас йиқ қолдирган улуг аждодларимизнинг бебаҳо асарлари, илмий ва ижодий мероси бизга жуда кўп келади.

Маълумки, буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг ҳайкали Токио, Шанхай, Вашингтон, Москва, Минск, Боку, Мозори Шариф, Ўш, Душанбе, Сеул сингари йирик шаҳарларда очилган эди. 2023 йилда Қозоғистон пойтахти Астана шаҳрида ҳам ўзбек халқининг буюк фарзанди, шоир ва мутафаккир Алишер Навоийга мухташам ҳайкал ўрнатилди. Ҳайкалнинг очилиш маросимида иштирок этган ва нутқ сўзлаган давлатимиз раҳбари: “Ишончим комилки, Алишер Навоий ҳайкали икки халқ ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқ ришталарининг яна бир ёрқин рамзига айланади, унинг мероси эса яна кўнраб авлодларни буюк ютуқларга илҳомлантиради”, деган эди.

Ўзбекистоннинг Қозоғистон Республикасидаги элчихонаси вакили Баҳром Бердиев Навоий ва Бобур ижодини чет элларда ёйиш, бошқа миллатларга танитиш борасида сўзлар экан, жумладан, шундай деди:

– Айтиш керакки, ўзбек-қозоқ адабий алоқаларининг илдизи чуқур. Қозоқ мумтоз адабиётининг ёрқин вакили Абай Қунанбаев Алишер Навоийни ўзининг устози деб билган. Фафур Фулом, Миртемир, Мухтар Авезов, Сабит Муқанов даврида қарор топган адабий алоқалар анъанаси шу кунларда Қозоғистон заминидан бўлиб ўтаётган тадбирларда, шубҳасиз, янада мустаҳкамланади. Жорий йилнинг 9-13 февраль кунлари “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан Қозоғистоннинг Шимкент шаҳри, Туркистон вилояти, Ақтау ва Атиров шаҳарларидаги мактаблар, олий ўқув юртлари, театрлар ва маҳаллаларда адабий учрашувлар, китобхонлик кечалари, қизгин мушоиралар бўлиб ўтди.

2021 йили Қозоғистон давлат мукофоти совриндори, таниқли қозоқ шоири Насипбек Айтули Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Садди Исқандарий” дostonларини қозоқ тилига ўғирган. Кейинги йилларда “Маҳбуб ул-қулуб” асари қозоқ тилига муваффақиятли таржима қилинди. Шунингдек, Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий ва бадийи асарлар қардошлар тилида чоп этилмоқда. Аини жараён Навоий мероси бутун туркий дунёда фаол ўрганилаётганини кўрсатади. Ўзбек шоирлари шеърлари қозоқ тилига, қозоқ шоирларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиб келаётган қозоғистонлик ўзбек шоираси Раъно Дўсанова:

– Мен ўзбек адабиётини қозоқ тилига, қозоқ адабиётини ўзбек тилига ўғириш билан шуғулланиб, ўзининг ижод қаламим ҳам чархланиб бораётганига амин бўлдим, – дейди.

Қозоғистон заминидagi биринчи учрашув Туркистон вилояти Келес туманидаги Т. Бегманова номидаги 8-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. Бу ерда миллатдошларимиз ҳамда Абай, Чўқурсой маҳаллаларида яшаётган маҳаллий аҳоли вакиллари, шу билан бирга нурунийлар, хотин-қизлар, ўқувчи ёшлар, маҳаллий ижодкорлар иштирок этди. Қизиқарли ўтган тадбирда Алишер Навоийнинг 585, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 543, қозоқ ёзма адабиёт асосчиси Абай Қунанбаевнинг 180 йиллигига ургу берилди.

Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Султонмурод Олим ўзбек ва қозоқ халқларининг уч буюк шоири – Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абай Қунанбаев адабий меросининг умумбаъшарий аҳамияти тўғрисида гапирди. Нафақат туркий халқларнинг, балки бутун инсониятнинг маънавий дахоналари бўлган шоирлар асарларининг илмий-амалий талқинлари, улارнинг маънавий-маърифий аҳамияти, адабий тафаккур тараққийидаги ўрни ҳақида афрофича мулоҳаза юритди.

Мазкур анжуманда мактаб ўқувчилари томонидан Алишер Навоийнинг ғазаллари, рубойлари ифодали ўқиш эшитрилди, унинг бой адабий мероси, инсонпарварлик ғоялари ва маънавиятимизда тутган ўрни ҳақида қизиқарли чиқишлар қилинди. Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёт йўли ҳақида афрофича сўз борди. Ушбу адабий кеча ёш авлод қалбида китобхонлик маданиятини шакллантириш, уларни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш йўлида муҳим аҳамият касб этди. Мактаб кутубхонасига Тошкентдан олиб борилган янги бадийи китоблар, мусиқа асбоблари ҳамда ўзбек миллий либослари совга қилинди. Шунингдек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ҳамда ўзбек тили биллимонлари фахрий ёрлиқ ва ташаққурномалар билан тақдирландилар. Мактаб директори Меруэт Аморова:

– Мактабимизда ўзбек ва қозоқ тилларида таълим олиб борилади. Ўқувчиларимиз қозоқ ва ўзбек тилларида эркин сўзлашилади. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича мунтазам равишда танловлар ўтказилади. Ғолиблар олий ўқув юртларига имтиёз ва грантлар асосида ўқишга қабул қилинади, – дейди.

Шимкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги 11-ўрта мактабдаги маънавий-маърифий тадбир шоир буютига гул қўйиш билан бошланди. Шу ерда биз улуг маърифатпарвар жадид Абдулла Авлонийнинг: “Дунё иморатларининг энг улуги мактабдир”, деган ҳикматли сўзига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Чунки мактаб энг илғор замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Ўқувчиларининг фан ва ижодий соҳалардаги кўрсаткичлари юқори.

Таълим муассасасидаги тадбирда Тошкентдан борган санъат усталари, маҳаллий санъаткорлар, шоирлар ва адиблар, маҳаллий аҳоли ҳамда Ўзбекистоннинг Қозоғистондаги элчихонаси ҳамда бош консулхона вакиллари иштирок этди. Ўқувчилар Навоий ва Бобур асарларидан, ўзларининг шеърий машқларидан парчалар ўқидилар. Айниқса, ўқувчи ёшлар томонидан “Хамса” дostonлари ҳамда “Бобурнома” асосида тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилгани тўпланганларнинг олқишига сазовор бўлди. 23та қозоқ, 24та ўзбек синфлари мавжуд бўлган мазкур мактаб директори Гулзина Насирқизи мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанларининг ўқитилиши, адабиёт тўғрисидаги фаолият, аксарият ўқитувчиларнинг Тошкентдаги олий таълим муассасаларида ўқигани ҳақида сўзлаб берди. Мактабнинг ўқувчи ва ўқитувчилар жамоасига Тошкентдан махсус олиб борилган бадийи китоблар, миллий кийимлар, ўзбек чолғу асбоблари совга қилинди. Мактабнинг кўп илмий меҳнат тажрибасига эга бўлган ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчиси Бегмат Турдикулов:

– Ҳозирги кунда Туркистон вилоятида Алишер Навоий номи билан аталган бешта ўрта мактаб, музей ва бошқа муассасалар бор. Ҳар йили улуг шоирнинг таваллуд куни арафасида навоийхонлик анжуманлари, мушоиралар ўтказилади. Мактабимизнинг ўқувчи ва ўқитувчилари бундай бахсларда доим юқори натижаларни кўлга киритадилар, – деди.

Шу мавзудаги суҳбатни Қозоғистон Республикаси “Дўстлик” ҳамжамяти раиси Абдулла Исмагуллаев давом эттирди:

– Алишер Навоий ва Мирзо Бобур таваллуди муносабати билан қадимдан Қозоғистон заминида яшаб келаётган биз – ўзбеклар учун бир неча йилдан буён алоҳида дастур асосида маънавий-маърифий тадбирлар уюштириб, ўзбек-қозоқ халқлари ҳамда бу ердаги ўзбек диаспораси ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаб келаётган Ўзбекистондаги “Ватандошлар” жамоат фондиға, ушбу тадбирларда фаол қатнашиб, ўз ижоди, санъати билан биродарлик алоқаларимиз мустаҳкамлашишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ўзбекистонлик шоирлар, олимлар, санъаткорларга самимий миннатдорлик билдираимиз.

Ахмет Байтурсинов номидаги мактабда ўтган маънавий-маърифий тадбирлар ҳам қизиқарли, ранг-баранг дастур асосида тайёрлангани билан ёдда қоладиган бўлди. Мактаб директори Лариса Сиротина ушбу таълим даргоҳида ўзбек тилини ўқитиш ва ўрганиш илғор инновацион воситалар асосида олиб борилаётгани тўғрисида маълумот берди:

– Мактабимизда ўзбек тилида ўқитиладиган “Она тилим – жону дилим” халқаро танлови, фан олимпиадалари ғолиблари кўп. Маҳоратли ўқитувчиси Ёснубод Саидалиева ўқувчиларга ўзбек миллий қўшиқ ва рақсларини ўргатади. Ёшларимиз орасида ўзбек куй-қўшиқлариға қизиқиш кучли. Ўқувчиларимиз шаҳар ва вилоят миқёсида ўтадиган санъат ва маданият тадбирларида муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритмоқдалар.

Ушбу мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларига ҳам Ўзбекистондан олиб борилган бадийи асарлар, мусиқа асбоблари, миллий либослар совга қилинди.

Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳридаги мактаб ўқувчилари ўртасида Алишер Навоий асарларини тарғиб этиш ва ўрганишга қаратилган уч босқичдан иборат танлов Шимкент шаҳридаги ўзбек драма театрида бўлиб ўтди. Кўрик-танлов қизгин бахслар билан кечди. Танловни навоийшунос, адабиётшунос олимлардан иборат нуфузли ҳайъат баҳолаб борди. Ҳайъат аъзолари таркибида ўзбекистонлик олим, филология фанлари доктори Хулқаро Ҳамроева ҳам бор. Айни танлов ҳамда “Она тилим – жону дилим” халқаро танлови, фан олимпиадалари ғолибларига бир неча ташкилотларнинг, жумладан, қўшни республикада ўзбек тилида нашр этиладиган “Жанубий Қозоғистон” газетасининг ҳам қимматбахо ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Тажрибали журналист ва публицист Райимжон Алибоев бош муҳаррирлик қилиб келаётган ушбу газета ҳозирда катта адабларда чоп этилади. У миллатдошларимиз орасида қизиқиб ўқилаётганини ҳам айтиб ўтмоқ жозиб, албатта. Шунингдек, Жумабек Ташев номидаги университет профессорси Шахло Норалиева кўп йиллардан буён шу танловларни ўтказишда ташаббускор ва масъул бўлмоқда. У: “Алишер Навоий асарлари ёшларнинг онгига куч-қувват беради, инсонларни, элларни, халқларни бир-бирига бирлаштиради. Алишер

Навоий ўз замонида ҳам, бугун ҳам ўз ижоди билан элларни, улусларни бирлаштириб турибди”, дейди.

Мухташам театр саҳнасида ўтган бадийи-маданий анжуман якунида Ўзбекистон давлат филармонияси яккахон хонандалари Дилшод Ҳайитбоев ва Дилноза Отахўжаева ижросида Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур ғазаллари асосида айтилаётган мақом қўшиқлари ижро этилди. Шу билан бирга халқона ва замонавий қўшиқлар ижроси давраға файз киритди.

– Қозоғистон заминидаги миллатдошларимиз, ватандошларимизнинг ҳаёти билан яқиндан танишиб, кузатиб, шу нарсасига амин бўласизки, уллар ҳар доим Ўзбекистонни соғинишади, юртимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни диққат билан кузатишади, – дейди Ўзбекистон Республикасининг Алмати шаҳридаги бош консулхонаси биринчи котиб Эркинжон Абдуқўямов. – Хориждаги ватандошларимизнинг фарзандлари асосан инглиз, рус ёки маҳаллий тиллардаги мактабларда таълим олишади. Улар учун, айниқса, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини чуқур ўрганиш ғоят муҳим. Негаки, аллома шоирларнинг байтлари, ҳикматлари, рубойлари ўзга юртларда униб-ўсаётган ўзбек болалари ва ўсмирлар учун кучли тарбиявий аҳамиятга эга. Ўзбек адабиёти ва санъати хорижий юртларда яшаб меҳнат қилаётган ватандошларимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлар, одо-ахлоқдан бутунлай узилиб кетмаслигини таъминлайдиган муҳим омилдир.

Консулнинг фикрларини Қозоғистондаги ўзбек диаспораси фаоли, катта ҳаётий ва меҳнат тажрибасига эга инсон – Иқром Ҳошимжонов ҳам қўллаб-қувватлайди:

– Ўзбек – қозоқ, қозоқ – ўзбек азалдан бир-бириға қиз олиб, қиз берган халқ. Бир-бирининг хонадонидан ҳеч қачон қадами узилмаган. Қадим-қадимдан буён давом этиб келаётган ана шу қондошлиқ, жондошлиқни янги даврда янги босқичға кўтарган Қозоғистон ва Ўзбекистон президентлари Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Шавкат Мирзиёевға биз нурунийлар, фахрийлар раҳмат айтамыз, – дейди. – Айниқса, кейинги йилларда дунёда рўй бераётган кескин ва зиддиятлы воқеалар минтақа давлатларининг ўз келажагини кўришда ҳамжиҳат, ҳамкор ва ҳаммаслак бўлишини тақозо этмоқда.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг:
Олам ахли, билинғизким,
иш эмас душманлиғ,
Ёр улунг бир-биринғизғаким,
эрур ёрлиғ иш.

– деган ҳикматли сўзлари бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда.

– Мен меҳнат фаолиятим давомида юртимиз бўйлаб ёки хорижий мамлакатларда кўп сафарларда бўлганман ва шу нарсани қузатиб амин бўлдимки, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари бўлган юртдошларимиз, қолаверса, бошқа юртлардаги аҳоли орасида ҳам дўстлик, биродарлиқни мустаҳкамловчи аҳамиятга эга, – дейди тележурналист Иқбол Қирғизбоева. – Шу билан ҳам Навоий ва Бобурдан бошланган адабий анъаналар ҳозирда ҳам яшаб, давом этиб келмоқда.

Навбатдаги учрашув жойи Ақтау шаҳридаги “Дўстлик уйи” бўлди. Бу ерда буюк аждодларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд айёмига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ташкиллаштирилган эди. Тадбирда ватандошларимиз – ўзбек ва қоракалпоқлар, шунингдек, озарбайжон, турк, туркман, чечен, осетин, эрон, рус ва белорус миллий-маданий марказлари вакиллари иштирок этди. “Дўстлик уйи” – кўпқаватли замонавий сарой. Унинг узун, кенг ва ёруғ залларида ўзбек миллий либослари кўрғазмаси ташкил этилган. Бу ерда ҳам мезбон томонға ўзбек тилидаги бадийи китоблар, ўзбек миллий чолғу асбоблари совга қилинди. Айниқса, Ўзбекистон давлат филармониясининг яккахон хонандалари Дилшод Ҳайитбоев, Дилноза Отахўжаева куйлаган мумтоз ва хоразмча шўх қўшиқлар, халфачилик йўлидаги термалар, айниқса, “Лазги” қўшиқ-куйлари ватандошларимизда, маҳаллий аҳоли вакилларида унутилмас таассурот уйғотди. Ушбу учрашув дўстлик, ҳамжиҳатлик ва миллатлараро тотувлик руҳида ўтди.

Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси, тарих фанлари доктори Қахрамон Матҳолиқов ўз таассуротлари ва фикр-мулоҳазаларини баён этар экан, Навоий ва Бобур асарларининг Ўзбекистонда ва халқаро миқёсда ўрганилиши, уларни нашр ва таржима қилиш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан янги маълумотларни

тақдим этди. Навоий меросини замонавий илмий ёндашувлар асосида тадқиқ этиш ҳамда ёш авлод онгига сингдириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Анжуман давомида сўзға чиққанлар томонидан Навоий ва Бобурнинг бой маънавий мероси, уларнинг жаҳон тамаддуниға қўшган ҳиссаси ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди, маданий чиқишлар намойиш этилди. Мезбон ва меҳмонлар ўртасида бўлиб ўтган самимий суҳбатлар, илиқ мулоқотлар ва эзгу тилалар кечаға алоҳида файз бағишлади.

– Ўзбек куй-қўшиқлари, шеърларини юракдан соғинган эканмиз, – дейди асли касби ўқитувчи бўлган шимкентлик миллатдошимиз, бир неча йиллардан буён “Ватандошлар” жамоат фонди тарбияларида фаол қатнашиб келаётган Юлдуз Жаҳонғирова. – Аслида она тилимизда жонли ижро этилган қўшиқларға нима етсин?

Юлдузининг ўзи ҳам саҳнада мақом қўшиқларини маромига етказиб ижро этиб берди ва томошабинлар олқишиға сазовор бўлди.

“Ватандошлар” жамоат фонди, Ўзбекистон Республикасининг Ақтау шаҳридаги бош консуллиги, Қозоғистон халқлари Ассамблеяси, Қозоғистондаги ўзбек ва қоракалпоқ миллий маданият марказлари ҳамкорлигида Атиров шаҳридаги “Дўстлик уйи”да ташкил этилган Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига бағишланган адабий кеча адабиёт, маданият ва санъат анжуманиға, дўстлик, биродарлик байрамиға айланиб кетди. Унда сўз олган Атиров шаҳар ҳокими ўринбосари Эрдўст Абдусатторов:

– Ўзбекистонда аждодлар меросиға хурмат, миллий қадриятлар ва урф-одатларни асраб-авайлашға бўлган эътибор жуда юқори, – дейди, – нафақат олимлар, академиклар, балки ёшлар ҳам Навоийни, Бобурни яхши билади. Уларнинг шеърлари, ғазалларини ёддан айтади. Ҳақиқатан ҳам, Навоий ва Бобур асарлари нафақат ўзбек ва туркий тилли халқлар, балки бутун дунё халқларининг ноёб бойлиги эканиға яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Қозоқ ва ўзбек халқлари ўртасидаги адабий дўстлик – абадий дўстликка айланиб бораётир.

Дилтортар куй-қўшиқлар барчани давраға чорлади, уйин тушмаган бир киши ҳам қолмади, дейилса муболаға бўлмайдди. Қоракалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Жуматовнинг қўшиқларини залда ўтирган ватандошларимиз жўр бўлиб куйладилар.

“Ватандошлар” жамоат фонди фаоллари Ҳожиқабар Исҳоқов, Әдилбек Комилов, Ўзбекистон Республикасининг Ақтау шаҳридаги бош консули Жамолдинхўжа Абдукаримовнинг жомбозлиги билан юқори савияда ташкил этилган ушбу байрамда миллий маданият марказлари, ўзбек ва қозоқ ёшлари вакиллари иштирок этди. Тантанали тадбир ўзбек, қоракалпоқ ва қозоқ санъат усталарининг куй-қўшиқлари, рақслари билан яқин топди. Катта саҳнада ватандошларимизға Ўзбекистондан олиб борилган совғалар: янги нашр этилган бадийи китоблар, чолғу асбоблари, эркак ва аёлларнинг миллий либослари туҳфа қилинди. Шунингдек, “Ватандошлар” жамоат фонди ҳамда Қозоғистондаги ўзбек ва қоракалпоқ миллий марказлари билан келгусида амалға оширилаётган ҳамкорлик режалари муҳокама қилиниб, янги лойиҳалар бўйича келишувларға эришилди.

Шоирнинг:
Дунё шодликлари йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан
бўлолмас устун,

– деган гапи яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Қўшни Қозоғистон Республикасида инсониятни камолотга чорловчи ғоялар ижодкори бўлган Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилди. Юқори савияда ўтган барча тадбирлар ва анжуманларда улуг мутафаккир ва аллома шоирларнинг улкан маънавий мероси бугун ҳам миллатларни, қалбларни яқинлаштиришға хизмат қилиб келаётгани таъкидланди.

Қозоғистоннинг қаерига – туман-шаҳарларға, мактаб-маҳаллаларға, саройлар ёки университетларға бормайлик, ҳамма жойда бизни, аввало, ёруғ чехра, очмик қалб, сўнгра нон-туз билан кутиб олишиди. Зеро, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адабий мероси ҳам халқимиз азал-азалдан эъзозлаб келган нон ва туз қадарли ардоқли ва улугдир.

Салим АШУР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси маслаҳатчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Түркістан қаласы бойынша Мемлекеттік кірістер басқармасының 109 баптың талаптарына сәйкес келетін мәжбүрлі түрде таратылуға жататын салық төлеушілер тізімі

P/с	СТН (РНН)	БСН/ЖСН	Салық төлеушінің атауы	Салық орталық қолда	Салық орталық атауы	Ескертпе
1	18272089185	950719350141	АУБАКИРОВ ЕРКИНБЕК САНАТОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
2	210420332423	900311400342	СЕЙПУЛДАЕВА ЗАЛИНА МУРАТОВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
3	211521289268	920429402522	ЕЛЕУСИНОВА АЙГЕРИМ АРСАНОВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
4	330120335476	550615402288	МАННАПОВА КЛАРА НАБИЕВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
5	330911037022	670305301788	АЙСЫНОВ СӘКЕН БӨДЕНҒҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
6	580220305985	930801401855	БЕКМУРАТОВА АЙДАНА ЕРТАЙҚЫЗЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
7	580220476804	970818301511	ОРЫНБАСАРОВ ӘДІЛБЕК НУРМАХАМБЕТҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
8	580320582226	910718401167	СЕКЕНБАЕВА ӘЙГЕРИМ СЕРІКҚЫЗЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
9	580320757206	930218402150	ЗИЯБЕКОВА АҚТОЛҚЫН МОЛДАХАНҚЫЗЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
10	580320866740	020405500781	ҚОЙШЫБАЙ ДӘУЛЕТ ТАЛҒАТҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
11	580320960870	010117501841	РУСТЕМ МҰХАМЕДӨЛІ ҚАРАБЕКҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
12	580321126115	030731500111	АҚЖІГІТ ОЛЖАС ИХТИЯРҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
13	580321145265	961218300235	ЖАҢЫРБАЙ ЕРЖАН НҰРЛАНҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
14	580321175188	040816502280	ХАНКИШИЕВ АСИМ АДЛАНҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
15	580510326093	810214302673	АБИЛДАЕВ ТОЙЛЫБАЙ СЕРИКБАЕВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
16	580520048815	770613400048	ТУНГАТАРОВА АЙНУР ДҮЙСЕНОВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
17	580520186968	810909402836	ЕСЕНБЕКОВА САНДУГАШ АМАНОВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
18	580520207238	910130302083	БАЛҒАБАЕВ СУЛТАН НАСРУЛЛАҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
19	580520259164	010812500663	БЕЛҚОЖАЕВ НҰРТИЛЕУ СЕРІКҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
20	580520305843	990729400143	ЖҰМАТАЙ АҚНИЕТ ОСПАҚҚЫЗЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
21	580520313987	020412600766	ӘБУ ТҰМАР МҰХИТҚЫЗЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
22	580520342760	991210300168	ДӘРІБАЙ АЙБОЛ БАҚТЫБАЙҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
23	580520424659	040901500553	ӨСКЕРБЕК ӘДІЛЕТ ЕГЕМБЕРГЕНҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
24	580820783324	970918300814	ОРАЗБАЙ БЕКОЖАН БАҚТИЯРҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
25	580820848289	981213301130	АХМЕТ НУРДАУЛЕТ ХАМИДУЛЛАҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
26	580820885833	000105500628	НҰРМАН ДАУЛЕТ АРАПБАЙҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
27	580821007077	010414501390	ӘБДИҒАППАР ЕРДӘУЛЕТ ЖЕҢІСҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
28	580821102376	031108600807	ТАШКЕНБАЙ ПЕРИЗАТ ДАНИЯРҚЫЗЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
29	580821173632	020316600912	ЖИЯНБЕКОВА ГУЛШАДА НУРЖАНКИЗИ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
30	580821205656	020628500506	ТІЛЛӨБЕК АҚАРЫС ТЛЕУБАЙҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
31	580920196992	860108402860	ТАДЖИМУРАТОВА РОЗА КУРАЛБАЕВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
32	580920366938	871114301734	ХАЛТАЕВ АТАМУРАТ ШАЙЛАУОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
33	580920720528	020303501676	НУРАЛБЕКОВ ЕРЗАТ СЕРІКҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
34	580920979531	010327501853	ГАЛИББАЕВ ХУРСАНБЕК ИЛИЯРҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
35	580921129430	020429500760	ЖҰМАБЕК БЕКЗАТ БЕЛҒАБАЙҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
36	580921230518	020717500272	ЕЛТАЙ АҚӘДІЛ ЕРҒАЛИҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
37	581020028430	770301301519	ӘЛІМ СӘУРАТ ГУЛЯМСАХИҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
38	581020031518	840825301890	КУДИЯРОВ АБЗАЛ САРСЕНБАЕВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
39	581020895845	030715500263	ИБРАЙМ ДИАС МУРАТБЕКҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
40	581021057616	880601302967	ИСМАИЛОВ ОЛЬМАСБЕК АБДУМАННАПОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
41	581021436245	920820301711	ҚАҢТӨРЕЕВ АЗАМАТ АБДУЛЛАҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
42	581021689557	900715301023	КЕНЖЕБАЕВ ДАУРЕН ДАУЛЕТБЕКҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
43	581021990362	910601402238	АЛИМКҰЛОВА АЙМАН НАХАНБАЕВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
44	581022406689	991009300734	РИЛЬ ПАВЕЛ АНАТОЛЬЕВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
45	581022495235	980322300767	ТУҒАЛ АБРАР ФАЗЛИДИНҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
46	581022533077	971225300760	НУСРАТОВ ОЙБЕК КИЛИЧБЕКҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
47	581022567830	980824300082	ТИЛЯЕВ НОДИРЖАН МАХМУДЖАНҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
48	581022785358	000717501247	СИРЛИЕВ ЗУФАР КАРИМУЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
49	581022793084	991230301135	БАХИЕВ МИРВАИС МАХАРАСУЛҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
50	581022793414	991203301217	МОМИНОВ АБДУЛЛОХОН СУЛТАНХАНҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
51	581023173626	001027500558	ҚОНЫСБЕК БАҚДӘУЛЕТ НУРҒАЛИҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
52	581120030139	760603401486	ЮНСУМЕТОВА ИРАДА АБДИМАЖИТОВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
53	581120358710	761226401955	АБДИКАРИМОВА САХАВАТ МАЖИТОВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
54	581120668563	760801401145	МУХСУМОВА МУКАДДАС БОРАНБАЕВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
55	581121010756	810321400467	ЮНСУМЕТОВА НАРГИЗА БАХРИТДИНОВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
56	581121119965	870729401942	КАДЫРҚҰЛОВА НИГОРА ОКТАМБЕКОВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
57	581121456133	940411301395	АБДИГАНИЕВ ИСЛАМ ТАИРЖАНОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
58	581121569527	960711300163	ТАЖИҚҰЛОВ КАЙМИЖАН КАЙНАРБЕКОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
59	581121650753	971004300491	ЭРГЕШОВ БУНЕДЖОН ИРИСМАТОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
60	581121914250	930818301178	ТУРДИМАТОВ ХАЕТҰЛЛА АБДИВАЛИЕВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
61	581122035823	980405300490	НИЯЗОВ КУРБОНАЛИ АБДУГАПИРОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
62	581122208719	970418301527	АБДИКАЙИМОВ КУРБОНАЛИ ЖАНДАРБЕКОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
63	581122216665	971002401762	КУЛЬБАЕВА ЛИАНА ТАЖИБАЕВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
64	581122471154	991211300986	ХАДИМЕТОВ ЕДГОР НЕМАДЖАНОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
65	581122487348	000101503472	ТУРДИМЕТОВ РОЗМУХАММЕД РАСУЛМАТОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
66	581122549913	040214501369	ДИЛМУРАТОВ САМАНДАР ЭЛМУРАТОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
67	581122821692	020210600381	ТУРСУНҚҰЛОВА ДИАНА МУХИТДИНОВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
68	581122926183	030904500181	КУРБАНГАЛИ НҰРЖІГІТ ТАЛҒАТҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
69	581122944786	970128301739	МАВЛАНОВ ХУСАН ЮЛДАШОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
70	581122952599	020704501269	МАУЛАНБЕКОВ УТКИРЖОН ИРИСБЕКОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
71	581122971288	020808501869	АЗАТБЕКОВ АСАДБЕК ЗАКИРЖАНОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
72	581123005673	020625500578	АБДИРАШИТОВ ИРИСДАВЛАТ КАМИЛЖАНОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
73	581123062595	030612502091	АНАРТАЕВ ШОХБОЗ БАХРАМУЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
74	581220333961	851216400387	АСРАРОВА ЗАРИНА АЗОТДИЛОНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
75	581221092842	900516401751	БЕКЕМҚҰЛОВА АЯГӨЗ АБДИМОМИНОВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
76	581221179137	841215301420	КУРБАНОВ ДАУРЕН АБДИХАТОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
77	581221349908	920515402074	МАМАРАФИКОВА ШАХНОЗА ЖУМАБАЕВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
78	581221544745	940602401687	БЕГИМҚҰЛОВА ФАРИЗА АБДАЗИМКИЗИ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
79	581221836237	950415301626	ТӨЛЕГЕН ТАҒАБЕК БАҚЫТҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
80	581221866382	660516402728	СЫРЛАБАЕВА РАУЗА НАРМУХАМЕДОВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
81	581221926929	990617300445	КИМ ЛЕОНИД КОНСТАНТИНОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
82	58122184205	980105300529	ӘБУБАКИР БАҚЫТЖАН ЕРІЛҚАСЫНҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
83	581222438413	981218301207	ОМАР АЗАМАТ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
84	581222483129	790705000353	КАБУЛОВ АЛТИНБЕК БАХТИЯРОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
85	581222549202	000525501095	РАЙМБЕКОВ ОРАЛБАЙ ПОЛАТҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
86	581222588687	981231300275	САПАҚ МЕЙРАМБЕК БАЙЛАРУЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
87	581222621847	991014301547	АЛДАНАЗАР ӘБІЛҚАЙЫР НҰРЖАНҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
88	581222739065	000716500550	АШИРБЕК НҰРСҰЛТАН АСЫЛХАНҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
89	581222895678	010610601332	ДЖОРАЕВА ШИРИН ХУСНИДДИНОВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
90	581222945282	010214501745	ТУРСЫНБАЕВ ЖАКАНГИР АРИПЖАНОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
91	581223021206	000510501390	САРСЕНБАЕВ ИЛХОМ АБАЙҰЛЛИ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
92	581223264719	810127403774	ЖУРАБАЕВА ГУЛЬБАНУ ТАХИРОВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
93	581223398016	030118501404	БУЛЫТОВ БЕКЗАТ ЕРЖАНҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
94	581320194161	040202601578	ӨСКЕР МЕРЕЙ НАҒАШБЕКҚЫЗЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
95	581320316514	930707301441	ЕРЖАНОВ САМАТ БЕҒАЙДАРОВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
96	581320338735	940702401660	МОЛЖИГІТОВА УЛЖАЛҒАС БОЛАТҚЫЗЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
97	581320378448	730809403299	КАЛДАРБЕКОВА ЗАМИРА ТУЛЕПБЕРГЕНОВНА	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
98	581320583469	021011501166	МҰХИТҰЛЫ ӘЛИ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
99	581410077153	720826301702	ЕШМЕТОВ ГАЙРАТ СЫРЛЫБАЕВИЧ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
100	581410233759	540522300832	АБДУЛЛАЕВ ТАЙР	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
101	581520406994	970723300527	БАҚТЫБАЙ МЕЙРМАН БАУЫРЖАНҰЛЫ	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
102	58200026427	000340006861	Учреждение "Газета "Устаз"	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	
103	58200024277	981040004403	Товарищество с ограниченной ответственностью "Шил-Нур"	5820	Түркістан қаласы, Жаңа қала 11 көше, 32-ғимарат.	

Мўтабарларимиз - ҳиқмат сандиғи

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар бир асрлик довондан ўтган, қисматнинг турли машаққатлари, ташвишу қувончларини қалбида мужассам этган ҳамда аждодларининг ворисдоши, сулоласининг ёрқин намояндаси сифатида намуна бўлиб одимлайдилар. Уларнинг умри йиллар билан эмас, сабр-матонат, ҳиқмат ва меҳр-мурувват билан ўлчанади.

Жорий йилда 101-баҳорни қарши олаётган, ўтган аср билан янги мингйиллик одамлари тақдирига гувоҳ бўлиб, умргузаронлик қилаётган Абдулҳақ Исомиддиновнинг ҳаёти ана шундай ибрат мактабига айланган.



У 1925 йили Шимкент шаҳрида туғилди. Болалиги очарчилик, қатагон даври, 2-жаҳон уруши даврларига тўғри келди. Бир бурда нонга зор бўлган кунлар, ҳақиқатини ўргангани учун тўхматга қолганларни ҳам, ҳамюртларининг қон кечган даврларини ҳам кўрди. 23-ўрта мактабда таълим олди. Илмга чанқоқ бўлиб, вояга етди. Лекин қийинчиликлар унинг билим олиш орузини чеклади.

— 17 ёшимдан Қўрғошин заводига ишга кирдим. У йилларда нон карточка билан катталарга 400, болаларга 600 граммдан тақсимлаб бериларди. Сўнг қўрғошин күйиш цехига ишга ўтдим. Уруш бошлангач, ҳар куни 16 соатдан меҳнат қилдик. Падали бузрукворим Нўмон ота илмли инсон эди. Бухорода таҳсил олган, шариат аҳкомларининг билимдони бўлган. Ер олиб, боғ барпо қилган. Давр тақозоси — Ислам уламоларидан бўлганлиги учун ҳам отишга ҳукм қилинган эди. Биз уч ўғил ҳамда бир қизни волидаи муҳтарамам ҳалол ва меҳнаткаш аёл София ая оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказдилар. Уша даврда таниқли устози Бўстон отиндан илм ўрганган эди. Биз қўрган машаққатли

Алимулова билан биргаликда 4 ўғил, 4 қизни вояга етказдик. Раҳматли қайнотам Абдулла ака 101 ёшдан ошиб, боқийга рихлат қилди. У киши қизлари билан қўрғошин заводда фаолият юритган. У билан бирга ҳамкасб бўлганмиз. Фарзандларимизнинг барчасини олий маълумотли қилдик. Тўнғичимиз — Мавжуда қизим 75 ёшга келди ўзбек тили ва адабиёти муаллималигидан нафақага чиқди, Мавлуда қизим — кимё-биология фани муаллимаси, қизларим Манзура, Раъно — халқ хизматида. Ўғилларимга келсак, Абдунаби автомобиль-йўллари институтини тамомлади, муҳандис. Абдумўмин автомобиль техникумини тамомлади, Абдушуккур Бойқўнғирда техник хизматларда фаолият юритса, Улуғбек тадбиркорлик қилди.

Абдулҳақ ота уруш фаҳрийси, ҳамюртлари жанг майдонида ватанини ҳимоя қилишган бўлса, у фронт ортидан туриб, ўқдорларни ишлаб чиқарди, машаққатли меҳнати билан Ғалабини яқинлаштирган инсонлардан. Ғалабанинг шонли саналари муносабати билан шаҳар ҳокимлиги вакиллари турли йилларда отани зиёрат

мон рафиқам бир йил хасталаниб, вафот этди. Унинг бу оламни тарк этиши мени руҳан азобга солди. Хаста, тўшак тортиб қолган ҳолатида ҳам, ёнимда бўлсайди, деб армон қиламан. Икки дунёда ундан розиман. Кексайганида ҳеч ким мен сингарини ёлғизликни бошидан кечирмасин. Аёл — эркакнинг энг яқин маҳрами. Ҳамюртларимга мурожаат қилиб, рафиқаларингизни ҳаётлигида асраб-авайланг, у сизнинг кексалигингиз, ҳаётингиз йўлдоши, дейман.

— Қайнотам жуда инсонпарвар, илмпарвар инсон, — дейди келини Мухтабар опа. — Олий таълим олмасалар-да, заковатли, зеҳни кучли, уққан инсон. Жуда кўп китоблар мутолаа қилган, неваралари, эвараларига ўша китоблардан билганларини айтиб берадиган ҳақиқатан ҳам сулоламизнинг доноси, ҳиқмат соҳибини. Отамизнинг нуқти бой, гаплари пурмаъно. Унинг ҳикоясини, бошидан кечирганларини тинглаб, бир дунё завқ оласиз. Унинг гапларини тингларканман, худди китоб мутолаа қилаётгандек ўзимни ҳис қиламан. Афсуски, қариндошларда ҳам, ён-атрофимизда ҳам тенгқурларини бу дунёни аллақачон тарк этишган. Зериккан пайтларида соғинган яқинларини қақриб оладиларда, аждодларининг хайри ишларини айтиб, хотираларини ўртоқлашадилар.

— Қизим шунини алоҳида ёзиб қўйинг, газетхонларга ўрнак бўлсин, — дейди отахон. — Бизнинг давримизда ҳозиргидек кўп неъматлар, шароитлар бўлмаган. Шунга қарамай, инсонийлигимизни йўқотмаганмиз. Аёлларимиз қаҳратон киши сувоқларида ўчоқларда таом пишириб, кир ювишарди. Ҳозир бир тугмани босиб, уйларни иситяпмиз, чойимиз қайнапти, музлатгичларимиз лиқ тўла. Уйларимиз иссиқ, нафақаларимиз баракали. Биз қўрган азоб-укубатли кунларни ёшларга айтиб берсангиз, худди эртақ тинглаётгандек, ишониммайди. Ҳамма неъматлар муҳайё даврда яшайпмиз. Ҳаётимни ёзмоқчи бўлиб, мен билан суҳбатлашиш учун келибсиз, сизни, раҳбарларингизни, она тилимизда чиқаётган газетамизни ўқиётган барча ҳамюртларимнинг бошлари омон бўлсин, деб дуо қиламан.

Мунира ЖАМОЛИДДИН қизи.



давраларни янги авлод вакиллари кўрмасин. Қорнимиз нонга тўймай ўсдик. Урушга ўқ-дори ишлаб чиқарамиз. Отамизнинг барпо этган боғида камол топдик. Абдулла укам Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат университетини тамомлади, “Муштун” журналида муҳбир бўлиб ишлади. Онам раҳматли 85 ёшларида рихлатга сафар қилдилар. Кейин савдо техникасига ўқишга кирдим, ушбу соҳада йиллар мобайнида меҳнат қилдим. Меҳрибон, покдомон умр йўлдошим Ҳуриниса

қилиб, кўксига медаллар тақиб кетишган. Айни дамда отахон ўғли Абдумўмин ҳамда келини Мухтабарнинг парваришида. У неварани, чеварани, эваралар ардоғида яшайпти.

— 24 ёшимда оила қўрган бўлсак, қарийб 70 йил биргаликда умр кўрдик. Бир-биримизни қадрлаб, меҳр-мурувват кўрсатиб яшадик. Мен қаерда бўлсам, ўша ерда менга рафиқам таянч бўлди. Фарзандларимни вояга етказишда мен билан елкама-елка меҳнат қилди. Покдо-



Влохбайт

“ТО РЕЖА ЧЕКМАС ЕРИГА БОҒБОН,
БОҒ ҲАМОН ЗЕБДА,
ЧАНГАЛ ҲАМОН”.

Алишер НАВОЙИ.

(Маъноси: “режасиз ҳолда дарахтлар ўтқазилиб, тузилган боғ чангалзордан фарқсиздир”.

КУН ҲИҚМАТИ



Ёшлигиндан яқинларининг хатоларини кечиршига ўрган, лекин ҳеч қачон ўзининг хатоларининг кечирма.

Александр СУВОРОВ,
рус лашкарбошиси.

ПОРАХЎРЛИК БОБИДА



• Порахўрлик — қонун номини пуллаб, адолатни қарз ва ижарага ботирадиган иллатдир.

• Порахўрлик авж олган идораларда қонунлар ёдланади, пештахталарга зарҳал ҳарфларда битилади, аммо амал даражаси йўқ бўлади.

• Порахўрлик вужудлар — тиланчиликнинг замонавий, яширин кўринишидир.

• Порахўрлик илди отган манзилларда одамнинг ҳам нархи бўлади.

Лола ХУШВАҚТЗОДА.

ТИЛЛА БАЛИҚЧА...

Тухумдан чиқди-ю, келтириб уни,
Шу лойқа ҳовузча томон отдилар.
Ташландиқ ушоқ еб ўтади кунни,
Хору хас, ҳазонлар устин ёттилар.

Дунёда кўргани шу тор ҳовузча,
Ва мудроқ толларнинг аччиқ ҳазони.
Менга алам қилар, тилла балиқча
Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни...

Абдулла ОРИПОВ.



Тоҳир МАЛИК.

Дунёда уч жумбоқ бор эмиш: бири — ўлим, иккинчиси осмон сирлари. Ечмоққа одам зотининг тиши ўтмайди, тишни синдирадиган учинчи жумбоқ эса, аёл муҳаббати экан.



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Мен бир кунни

Мен бир кунни
Ташлаб кетаман,
Бўз либосим,
сийму заримни.
Қор иштар,
Шамол варақлар
Ордада қолган дафтарларимни.

Гарчанд тишга босиб тишимни,
Ўз елкадан ўзим босиб тек.
Гунгдай кетдим
Сўнг бекатгача,
Лек ортимдан қолган шеърларим,
Бу дунёнинг ёлгонларидан
Қаҳ-қаҳ урар қиёматгача.

Барча кўнгул гашлиги — бу оламга кўнгул боғлашдан келади. Кўнгул кўши ҳар дарахта уя кураверса, уя курадиған жой қолмайди. Кўнгулни шундай бир жойга боғлашники, мингаларча қиёмат қойим бўлса ҳам, сенга асло ёлғизлик дарди етмасин...

Жалолиддин РУМИЙ.

»» Саховат

МЕҲР-МУРУВВАТДАН ТАРАЛАР БАЙРАМ ШУКУҲИ



Наврў ва Рамазон ҳайити муносабати билан Шимкент шаҳридаги “BOMOND 777” тантаналар саройида тадбиркор Иззатулла Ҳоҷиметов ҳомийлигида “Шукр” хайрия жамғармаси ташаббуси билан хайрия акцияси ўтди.

Унда Сайрам туман Бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлимига қарашли “Уйда ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази” муассасаси ҳамда Шимкент

шаҳридаги 7-сонли турдош ташкилот ҳамхўрлигига олинган 18 ёшдан ошган ногирон фуқаролар тадбир меҳмонларига айланди.

Жамғарма раиси Муҳаммадали Содиқов уларга ҳомийлар томонидан тайёрланган совғаларни топширди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари, ота-оналар ва ижтимоий ходимлар ташкилотчиларга миннатдорчилик ихсоз этдилар.



Наврў байрами арафасида Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғидаги “Сулаймон ота” тўйхонасида хайрия тадбири ўтди. Тадбир “Ошбулоқ” масжиди, “Sahiy” ва “Адал көмек” хайрия жамғармалари ҳамкорлигида уюштирилди. Унда туман таълим бўлимига қарашли мактаблардан етим ва имконияти чекланган жами 400 нафар ўқувчи иштирок этди.

Тадбирда “Ошбулоқ” масжиди имоми Ҳаётулла Алиқулов, “Sahiy” хайрия жамғармаси раиси Отабек Эркинов, ижтимоий мутахассис Илҳомжон Абдукаримов ва жамоат фаоли Ойбек Анортоев эзгу тилақларини билдирдилар.

Тадбирда Шимкент шаҳар цирки жамоаси иштирок этиб, болаларга кўтаринки кайфият улашди.

З. МҸМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

»» Табобат

ҚАТИҚ ИЧИНГ, ҚАРИМАЙСИЗ!

Ҳар биримизнинг рўзимизда топиладиган, фойдали ичимлик — қатиқдир.

Табобатда ушбу ичимликнинг бир қанча хусусиятлари эътироф қилинади:

• Олимларнинг бир қатор илмий тадқиқотлари натижасига кўра қатиқ сурункали гастрит, атеросклероз, диабет, ишемия, дисбактериоз ва гипертония касалликларининг олдини олишда аjoyиб восита саналади.

Шифоси учун ҳар куни овқатдан 15 дақиқа ўтиб ичиш тавсия этилади.

• Қатиқ жигар циррозининг олдини олишда ҳам ўзини оқлай олган. Шунингдек, жигар фаолияти билан боғлиқ хасталикларда ҳам қатиқ ичиш фойдали.

БОДРИНГНИНГ ИНСОН ОРГАНИЗМИ УЧУН ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бодринг қондаги холестерин микдорини камайтиради, буйрақлар саломатлигини мустаҳкамлайди. Мунтазам равишда истеъмол қилинса, саратон хавфини ҳам бартараф этади.

Директор — Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БУРОНБОЕВ.

Масъул котиба — Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон — Шамира МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт — Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам — Зокиржон МҸМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкитбои — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал — Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч — Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ — Рўзихун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис — Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси — “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

• Макюлалар, эълон ва билдирүүларадаси фақат
ҳамда дадилларнинг тўришлиги учун муаллиф-
лар, режам ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган макюлаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-Print” МЧБ босмахонасида chop этилади.
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашир кўрсаткичи — 65466.

Адади — 10700 нуска.

Бўғумча
621.

Набатчи муҳаррир: Шоҳмата ТОШНҸ.АТОВА.